Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 23 ноябрь, душанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 89 (7085)

Da'vat

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Жиззах шаҳридаги «Шодлик» савдо жамоа корхонаси (раҳбари Тўйчи Соатов) меҳр-мурувват уйига 50 минг сўм, «Нуронийлар» жамғармасига 40 минг сўм, вилоятда футболни ривожлантиришга эса 80 минг сўм пул ажратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694-сонли Фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун ҳамда мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат Махсус ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳи зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

— Ўзбекистон ёшларининг чет элларда ва аввало, «Умид» жамғармасининг йўлланмаси бўйича таълим олиши умуман қандай ўтаётганлигини назорат қилиш;

— ёш мутахассисларнинг хориждаги ўқиши тугагандан кейин унинг билимлари ҳамда салоҳиятидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ва бошқарув органларида самарали ва мақсадли фойдаланишни кўзда тутган ҳолда уларни тақсимлашни ташкил этиш;

— ёш мутахассислар хориждa таълим олиб қайтганларидан кейин уларнинг меҳнат фаолиятининг доимий мониторингини, муносиб меҳнат ҳақи ва касб-кор соҳасидаги ўсишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь.

Танишинг! Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари

Маданият ва санъат

Ойдин Абдуллаева - *Тошкент Давлат консерваторияси 5-курс талабаси. Мутахассислиги - бастакор. Аълочи. Инглиз тилини мукаммал билади. Компьютер сирларини тўла эгаллаган. 11 та илмий ва оммабоп мақолалари чоп қилинган. Ўзтелерадиокомпанияси ТВ-1 каналида «Сеҳрли оҳанглар» болалар мусиқий кўрсатувининг муаллифи.*

1997 йилда «Камолот» ёшлар жамғармасининг стипендиясини олган.

Гуманитар мутахассисликлари

Санжар Давлетов - *Урганч Давлат университети тарих факультетининг 5-курс талабаси. Аълочи. Француз тилини мукаммал билади. Университетнинг барча илмий анжуманларида фаол қатнашиб келади. 4 та илмий мақоласи чоп қилинган. «Ўзбекистон ва жаҳон» мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Спорт билан шуғулланади.*

Иқтисод

Гулчеҳра Ҳошимова - *Тошкент Давлат техника университети иқтисод-муҳандислик факультетининг 5-курс талабаси. Мутахассислиги - муҳандис-иқтисодчи. Аълочи. 1 та илмий мақоласи чоп қилинган. Инглиз тилини мукаммал билади. Компьютер сирларини тўла эгаллаган. Иқтисодда ахборот тизими кафедрасида илмий иш олиб бормоқда.*

Педагогика

Манзура Жўраева - *Жиззах Давлат педагогика институти 4-курс талабаси. Мутахассислиги - педагогика. Аълочи. Инглиз, немис тилларини мукаммал билади. Компьютер дастурларини тўла ўзлаштирган.*

Чет тиллар

Гулноз Караматова - *Тошкент Давлат университети хорижий филология факультетининг 5-курс талабаси. Аълочи. 5 та илмий ва оммабоп мақолалари чоп қилинган. Инглиз ва немис тилларини мукаммал билади. 1998 йил UNESCO Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича хужжатларини таржима қилган. Компьютер сирларини тўла эгаллаган.*

Тиббиёт, жумладан фармация ва жисмоний тарбия

Манзура Маннопова - *2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 5-курс талабаси. Мутахассислиги - даволаш иши. Аълочи. Инглиз тилини мукаммал билади. Компьютер сирларини тўла эгаллаган. 1 та илмий мақоласи чоп қилинган. 1996/97 ўқув йилида институт илмий кенгаши стипендиясини олган. Қулоқ-томоқ-бурун касалликларининг олдини олиш ва даволаш муаммолари бўйича илмий иш олиб бормоқда. Мусиқа билан қизиқади.*

Қишлоқ хўжалиги ва ирригация

Зуҳра Нурҳожиева - *Гулистон Давлат университети 4-курс талабаси. Мутахассислиги - табиатшунослик. Аълочи. Инглиз тилини мукаммал билади. Компьютер сирларини тўла эгаллаган. 1 та илмий мақоласи чоп қилинган. Сирдарё вилоятида шўр ва иссиқликка чидамли буғдой навлари яратиш борасида илмий иш олиб бораяпти.*



Физика-математика ва кимё-биология мутахассисликлари

Бари Османов - *Самарқанд Давлат университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги - физика. Аълочи, спортчи. Инглиз тилини мукаммал билади ва инглиз тилида илмий мақолалар ёзади. Компьютернинг барча дастурларини яхши ўзлаштирган. 2 та илмий мақоласи чоп қилинган.*



Техника ва информатика

Нодир Юлдашев - *Тошкент Давлат техника университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги - механика, «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш». Аълочи, 6 та илмий ишлари чоп қилинган. Компьютерни мукаммал билади. Инглиз тилида эркин гаплашади.*

1996-97, 1997-98 ўқув йиллари Япония Парламентининг махсус стипендиясини олган. 1996-97 ўқув йилида Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Капитал қурилишида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари матбуотда эълон қилинди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Греция миллий мудофаа вазири Апостолус Цохатзополус раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисга ташриф буюрдилар.

• Фарғонада вилоят фаолларининг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Яқинда Европа тараққиёт ва тикланиш банки томонидан Нуротадаги «Нуротамармар» корхонаси жамоасига 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида пул ажратилди.

• Германиянинг янги сайланган канцлери Герхард Шредер дастлабки расмий ташриф билан Москвага келди ва у Россия ҳукуматининг раиси Евгений Примаков билан учрашди.

• Америкалик таниқли мультимиллиардер, Си-Эн-Эн телекомпанияси ва йирик спорт мусобақаларининг асосчиси Тед Тернер ўз номзодини навбатдаги сайловда АҚШ Президентлигига қўйиши мумкинлигини жиддий тарзда айтди.

• Япония ҳукумати агар БМТ ҳамда Қозоғистон қўллаб-қувватласа, Семипалатинск полигонида ядро синовлари талафотлари муаммосига бағишланган халқаро анжуманни Токиода ўтказишга тайёрлигини маълум қилди.

• Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус халқаро текширувчилари гуруҳининг 87 аъзоси Бахрейндан Бағдодга келди, шу кунларда қолган текширувчиларнинг ҳам Ироққа келиши кутилмоқда.

Шоир демоқчи эканки... 5-бет

Madadtalab maktublar

Мактублар – «кабутар»лар. Улар гўёки «қанот» қоқиб, олис туман ва қишлоқлардан таҳририятимизга «учиб» келади. Мазмун-мундарижаси эса хилма-хил: бири хабар, бошқасида дил изҳори, учинчисида миннатдорлик, айримларида эса ... шикоят. Ана шуниси кўнгилга ғашлик солади. Албатта, муҳарририятимиз ҳар бир хатни ҳисобга олиб, унинг «тақдири» билан қизиқади. Хат муаллифига мумкин қадар ёрдам бериш, унинг арзини тегишли ташкилот ва муассасаларга юбориш ёки газета орқали етказишни таҳририят ҳамиша ўз гарданига олиб келган.

Қуйида бир хил мазмундаги мактубларни эълон қилиб, сўнгра уларнинг шарҳига ўтамиз.

АНИҚЛИК КИРИТИЛСА...

Ҳурматли редакция!

Биз Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиларимиз. Президентимизнинг Фармонига кўра ўқитувчиларнинг газ, электр энергияси ва водопровод суви учун ҳақ тўлашдан озод қилинишлари кўрсатиб ўтилган. Аммо Бахмал туман газлаштириш идораси 1998 йил учун халқ таълими бўлими томонидан 1 тонна кўмир ҳисобига 2500 сўм пул ўтказиб, шундан ортган пулни газ учун тўланглар, деб мажбур қилмоқда. Президентимиз Фармонини ими-жимида бекор қилишга кимнинг ҳаққи бор?

Мактубга жами 17 киши имзо чеккан.

***

ТАЛАБ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИМИ?

Туманимиз аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Биз ўқитувчилар ҳам 1997 йил мобайнида зангори оловдан бепул фойдаландик. 1998 йил учун ТХТБ томонидан 3000 сўм пул газлаштириш идорасига ўтказилган. Бу пул 3-4 ойга зўрға етди. Қолган ойларга ҳар бир ўқитувчи 800-1000 сўмдан пул тўлаши талаб қилинмоқда. Кимки тўламаса, унинг уйидаги газ точкаси асосий тармоқдан узиб қўйиляпти.

Газлаштириш идораси маъмурияти ўқитувчилардан газ ҳақини талаб қилишга ҳақлими? Бизга ана шу масалани ойдинлаштиришда ёрдам беришингизни сўраймиз.

(Давоми 2-бетда)

Маҳорат ғалаба келтирди 6-бет

Savob

МАБЛАҒ МАЪНАВИЯТ РИВОЖЛАНИШИГА САРФЛАНДИ

Бу маблағлар турли бефойда тадбиру туй-ҳашамларга сарфланиши мумкин эди. Кетмакет бўлиб ўтган икки сессияда кўтарилган масалани тўғри тушунган «Наманганпуштсутсавдо» очиқ турдаги харид ҳиссадорлик жамияти раиси Жўрахон Мамадалиев мактабларга ёрдам беришни ўзига мақсад қилиб олди.

Мазкур жамият Наманган туманидаги 37-ўрта мактаб таъмири учун 120 минг сум маблағ ажратди. Мазкур мактабнинг энг иқтидорли ўқувчилари учун 500 сўмдан ойлик мукофот жорий этди. Ёрдамга муҳтож оилалар болаларига қишки кийим-кечаклар ҳадя этди.

«Маърифат» газетаси ходимларини мамнун этган яна бир жиҳати шундаки, Жўрахон Мамадалиев ташаббуси билан «Наманган шаҳридаги 40- ва 45-мактабларда,- Давлатобод туманидаги 40-болалар боғчаси, Наманган туманидаги 37-мактабнинг ўқитувчиларига ва «Нуробод» маҳалласидаги фахрий муаллимларга жами 42 нусха «Маърифат» газета обунаси учун маблағ ажратилди. Шунингдек, бир неча синф ўқувчилари «Ғунча» ва «Гулхан» журналлари, «Тонг юлдузи» газеталарини ҳам ана шундай савобли қўмак орқали бепул ўқийдиган бўлдилар. Барчага ибратли савоб иш бўлибди.

Саховатингизга балли!

МАЪРИФАТПАРВАР

МУҲОКАМАДА ҚАТНАШИНГ

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмуни бу соҳага тааллуқли фаолиятни ташкил этишдаги зарурий барча меъёрий ҳужжатларни қайтадан ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Узбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, ўқувчилар билим савияси, малака кўникмаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимига утиш ҳам шундай ишлардан биридир.

Бугунги газетамизнинг 3, 4-бетларида «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом лойиҳаси берилмоқда. Унинг қанчалик пишиқ-пухта бўлиши ,албатта, мутахассисларнинг, амалиётчиларнинг бу ҳужжат муҳокамасида фаол қатнашишига боғлиқ.

Газетамизнинг ушбу сонида (4, 5-бетларида берилаётган «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш дастури» ҳам бу муаммони ҳал этишнинг йўллари, омиллари ва истиқболлари ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, газетамизнинг 2-бетида берилаётган Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жамиятимизнинг мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат қилсин», деб номланган рисоласини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўрганиш бўйича тавсиялар ҳам ўқитувчиларга йўл-йўриқ кўрсатадиган манба вазифасини ўтайди.

ВАТАН РАМЗЛАРИ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

Одатда душанбада иш ҳафтаси аксарият жойларда бир хил тарзда бошланади. У моҳиятан бошқа иш кунларидан фарқ қилмайди. Фақат мактабларда бирмунча вақт бўлдики, одатий ҳол ўзгариб, душанба ўзгача аҳамият касб этаётганини ислоҳотлар мазмуни бу соҳага тааллуқли фаолиятни ташкил этишдаги зарурий барча меъёрий ҳужжатларни қайтадан ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Узбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, ўқувчилар билим савияси, малака кўникмаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимига утиш ҳам шундай ишлардан биридир.

Бугунги газетамизнинг 3, 4-бетларида «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом лойиҳаси берилмоқда. Унинг қанчалик пишиқ-пухта бўлиши ,албатта, мутахассисларнинг, амалиётчиларнинг бу ҳужжат муҳокамасида фаол қатнашишига боғлиқ.

Газетамизнинг ушбу сонида (4, 5-бетларида берилаётган «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш дастури» ҳам бу муаммони ҳал этишнинг йўллари, омиллари ва истиқболлари ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, газетамизнинг 2-бетида берилаётган Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жамиятимизнинг мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат қилсин», деб номланган рисоласини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўрганиш бўйича тавсиялар ҳам ўқитувчиларга йўл-йўриқ кўрсатадиган манба вазифасини ўтайди.

бошлади. Бу воқеликка дарсларнинг мадҳиямиз қуйланиб, байроғимиз кўтарилгандан сўнг бошланиши сабаб бўлди.

Бу тадбирнинг нима мақсадда жорий этилганлиги ҳам кўпчиликка аён. Мақсад - Ватан туйғусини болаликданоқ юракларга муҳрлаш.

Хўш, ўқувчиларнинг ўзлари бу янгиликни қандай қаршилашди? Уларнинг руҳиятида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабда бўлиб, тантанани кузатганимизда ўқувчилардан шу янгича ҳис-туйғуларни изладик.

Эрталаб ўқувчилар мактаб саҳнида сафга тизилишиб, мадҳиямизни куйлашди, байроғимиз кўтарилди. Агар айтишаётгани оддий қўшиқ бўлганида болалар ижросидан қониқса бўларди. Лекин Ватаннинг бу зайлда мадҳ этилишидан кўнгил тўлмади. Ўқувчиларда ёниқлик йўқ эди, бу лаҳзаларда улардаги бепарволикни кечириш қийин эди. Галдаги топшириқлардан биригина адо этилди, гўё.

Бундан дастлаб тадбир-

(Давоми 2-бетда)

ШИКОЯТ ВА ШАРҲ

Muloqot

МАТБУОТ МАРКАЗИДАГИ МУСОҲАБА

Яқинда Миллий матбуот маркази Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда мулоқот уюштирди.

Учрашувда Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси жаноб Таки Хиши ва Токио техника университети профессори жаноб Хаши Зу Ме маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари журналистларининг саволларига жавоб беришди. Профессор Хаши Зу Ме ўзининг «Чорраҳадаги Япония» номли маърузасида кунчиқар мамлакатидаги бугунги вақтинчалик иқтисодий ва сиёсий бўҳрон сабабларини таҳлил этди. У ўз сўзида иқтисоддаги биринчи муаммо молиявий инқироз эканлиги, банклар банкротга учраётгани, ишбилармонлар ўз молларини сотолмай қийналаётганини таъкидлаб, бу вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида ҳукумат махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқанини қайд этди.

«Маърифат» мухбирининг «Биз Японияннинг иқтисодий тараққиётига ҳавас билан қараймиз, халқингиз Ўзбекистон ва ўзбекларнинг қайси жиҳатларини кўпроқ қадрлайди?» ва «Жорий йилда Япония ишбилармон доиралари «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компаниясига катта миқдордаги сармоя киритди. Уларни бошқа соҳалардан кўра кўпроқ темир йўллари қизиқтирганини сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?» қабилидаги саволларига профессор Хаши Зу Ме ва Таки Хишилар қуйидагича жавоб қайтаришди: Бизнинг халқимиз сизларнинг бой илмий, маданий ва тарихий меросингизга юксак ҳурмат билан қарайди. Японияни сув ўраб турганлиги ҳолда сизларнинг Ватанингизни қурук-лиқда жойлашганига ҳам ҳавас қилса арзийди. Албатта, бу шарт-шароитлар катта имкониятлар билан бирга икки давлат учун ҳам маълум қийинчиликлар туғдириши табиий.

Ўзбекистон инфратузилмасининг ҳар томонлама ривожланиши бевосита темир йўлларга кўпроқ боғлиқ. Темир йўлларида хизмат сифатини яхшилаш асосий масала бўлиб қолганлиги ва ҳукуматингиз иптимосига биноан япон ишбилармонлари айни шу соҳага кенг кўламда сармоя жалб қилишга киришишди. Бундан буён ҳам ҳар иккала давлатлар ўзаро манфаат асосида ҳамкорликни муваффақиятли давом эттиришларига ишонаман.

Норали ОЧИЛОВ

ВАТАН РАМЗЛАРИ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

(Боши 1-бетда)

1-соат дарслари мадҳия билан бошланади. Бу дарсларда Ватанимиз рамзлари, мадҳияни ижро этиш маданияти ўргатилар экан. Демакки, болалардаги иштиёқнинг сўниқлигига бошқа сабаб бор. Фикримизча, бу кўп йиллар давомида катталар қонига сингиб кетган бефарқлик, бепарволик иллатларининг ёшларимизга ҳам ўтиб қолаётганлигидир. Шундай экан, жорий қилинган бу янгилик айни муддао бўлди. Токи ёшларимиз уларни билим олишга Ватан чорлаётганини юракдан ҳис қилишсин. Ватанни севиш унинг рамзларига ҳурматда ҳам намоён бўлишини билиб олишсин!

Аксарият жойларда иш ҳафтаси ҳам шанбада одатдагидек якунланади, яъни бошқа кунлардан фарқ қилмайди, фақат мактабларда бундай эмас. У ерда мадҳиямиз янграб, байроғимиз туширилади.

Рустам БОЙМАТОВ,
«Маърифат» мухбири

* * *

Икки-уч йил илгари Яккасарой туманидаги 118-мактаб давлатимиз рамзларини ўрганиш бўйича туманда илғорлар сафидан ўрин олганди. Ҳаттоки, туман халқ таълими бўлими мутасаддиларидан «Ватан мавзуига бағишланган кўрик-танловларда қайси жамоа олдинда» деб сўрасангиз: «Бу борада 118-мактаб ўқувчилари фаол» мазмунидаги жавобни олардик. Хўш, бугунги кунда ҳам мактаб жамоаси анъанага содиқ қолишганми? Биринчиликни ушлаб туриш қийинми, ё осонми? Жорий этилган тартибга ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабати қандай бўлаяпти? Биз яқинда ана шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ушбу илм маскани-га ташриф буюрдик.

Афсуски, душанба куни-нинг эрталабки тадбири биз ўйлаганчалик бўлиб чиқмади. Мадҳия ижро этилаётганда, ўғил-қизлар ўзларини бамайлихотир тутишар, фан ўқитувчилари эса бу тадбирда қатнашишни ўзларича «мажбур эмас» ҳисоблашар, кечиккан ўқувчиларнинг сафга қўшилиши давом этар эди. Шу куни юз берган аҳволнинг сабабларини қаерлардан изласа бўлади? Эҳтимол, мактаб жамоаси ўқувчиларимиз мадҳия, герб, байроқ ҳақида тўлиқ тушунчага эга, деб ўйлашсалар керак. Аммо таъкидлашжоизки, мактаб ҳаётининг ҳар бир куни синов, дарс. Бунда қатъиятлилик, изчиллик керак. Аниқроғи, дарс - мактаб ишининг, ўқувчи мантиқий фикрлашининг асоси. Буни тўғри илғаган, уққан ютади, давлат аҳамиятига молик тадбирга виждонан ёндашади. Акс-ича, белгиланган режалар, берилган топшириқлар юзаки бажарилаверади. Тушунчалар моҳияти ҳам чуқур англанмайди.

Тўғри, бу борадаги ишлар айрим жамоаларда ҳам бир маромда бўлаётган эмас. Лекин айни пайтда ўзини билган жамоа ўзидаги камчиликлик ўзгадаги нуқсонлар билан қиёсламайди. Балки бошқа жамоаларнинг ибратли томонларини олади. Бу, албатта, мактаб раҳбарига, унинг жамоани илм ўзанига бура олиш лаёқатига боғлиқ.

Биз мактабнинг директор вазифасини бажарувчиси, мактаб раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари М.Толиповага бу тадбир билан боғлиқ фикрларимизни айтдик. У эса: «Ўғил-қизларнинг аксарияти узоқ мавзелардан қатнаб таълим оладилар», дея шу кунги ҳолатни юмшатишга ҳаракат қилди. Аммо жамоада мактаб интизоми, бурч, дарс масъулияти барчага баробар эканлиги ҳамон тушуниб етилмагани ажабланарли. Ҳа, деб, болаларнинг ёнини олаверсак, таълим-тарбия беришда муškулликлар туғиларади. Шу билан бирга боланинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкам бўлмайди, демак, у эркин фикр юрита олмайди...

Давлатимиз рамзларини эъзозлаш, ўз оиласи, наслнасаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу тушунчалар атрофлича ўзлаштирилиб, моҳияти англансагина, юракларда Ватан тикланади, шу Ватандан ғурурланиш туйғуси пайдо бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида қайд этилганидек, Ватанини севадиган, миллий меросга ихлосли, анъана, удум ва қадриятларини асраб-авайлайдиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш муҳим вазифалар сирасига киради.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

МАЪРУЗАЛАР РАНГ-БАРАНГ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги олий инженерлик педагогика институтида «Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили» мавзусида республика илмий-услубий анжумани бўлиб ўтди. Унда «Таълимда илғор педагогик ва информацион технологиялар», «Ўқув жараёнида назорат шакллари», «Замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ва таълим», «Иновацион таълимда малака оширишнинг роли» каби шўъбалар иш олиб боришди. Пойтахт ва вилоят олий ўқув юртларидан тақдим қилинган 30 дан ортиқ маърузаларнинг қисқартирилган баёнларида олий мактабдаги янги таълим технологиялари ҳамда уларда мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари изоҳлаб берилган.

Бу тадқиқотлар асосида чиқарилган хулосалар олий ўқув юртларига етказиладиган бўлди.

Ҳ.АБДУНАЗАРОВ

ЯНГИ БИНО ҚУРИЛАЯПТИ

Нукус Давлат педагогика институти учун 2800 ўринли янги бино қурилиши бошлаб юборилди. 4 та блокдан иборат 4 қаватли ўқув корпусида жамики қулайликлар бўлиши, табиий. Қурилиш объектига 600 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу ишни зиммасига олган «Оролбўйисувқурилиши» бошқармасига қарашли Владимир Қулимбетов бошчилик қилаётган механизациялашган кўчма колонна бинокорлари учун ҳар бир кун ғанимат.

Ғ.ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

МАФКУРА ХАЛҚҚА ВА ЖАМИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов рисоласини ўрганиш бўйича методик тавсиялар

Узбекистон миллий мустақилликни қўлга киритгандан кейин республиканинг истиқлол мафкурасини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, ҳар бир фуқаро онгига унинг мазмун ва моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос узбек миллий мафкурасини илмий асосда яратиш каби ўта муҳим ва шарафли масалалар пайдо бўлди.

Ана шу оламшумул тарихий вазифани бажаришда Узбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан олга сурилган миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш ғояси катта аҳамиятга эгадир. Шу маънода, юртбошимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг берган саволларига жавоблари «Жамиятимизнинг мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» номи билан рисола шаклида «Узбекистон» нашриётида чоп этилди. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бўйруғи билан мазкур рисолада илгари сурилган фикрларни ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек, янги ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 4 соатлик машғулот сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу муҳим масалани янада пухтароқ ўрганиш учун методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

1-мавзу: МАФКУРА - ЖАМИЯТ ЕТАКЧИСИ (2 соат)

Ўқитувчи бу мавзуни ёритишда, аввало, мафкура тўғрисида тушунча бериб, у жамият тараққиётида қандай ўрин тутишини, яъни мафкурасиз жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллат бўлмаслигини тушунтиради ва қуйидаги қисқача таърифни бериши мумкин: «Бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, гўзалликка доир, бадиий қарашларнинг бутун бир тизимига мафкура дейилади» («Ватан туйғуси» Т., «Узбекистон», 1996).

Бу тўғрида юртбошимиз шундай фикр юритади: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан». Муаллиф асарнинг дастлабки сатрларидаёқ мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши, мафкурасиз бўшлиқ юзага келган жойда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши муқаррарлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Ўқитувчи ушбу дарсни баён қилишга киришар экан, республикамизда миллий истиқлол яратилиши тарихидан хабардор бўлиши керак. Бу масалада Президентимизнинг бир гуруҳ зиёлилар билан учрашуви чоғида айтган фикрларини эсга олмоқ зарур. Чунки маърифатсиз, айни чоқда истиқлол мафкурасини эгалламаган кишидан элга наф тегмайди.

Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга жамият тарихидан, она—Ватанимиз тарихидан мисоллар келтириб, бегона мафкура оқибатларини атрофлича баён этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ватанимизни эгалламоқчи бўлган ҳар қандай босқинчи бизга ўз мафкурасини сингдирмоқчи бўлганлар. Масалан, Шўролар даврида мафкура фақат синфий бўлади, у миллий бўлмайди, деб ҳисобланиб, катта йўқотишларга сабаб бўлди. Ўзбек миллатининг миллий онги ва дунёқараши сустлаштириб юборилди. Муаллиф таъкидлаганидек, босқинчилар юртимизда ҳукмронлик қилиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш орқали маънавий жиҳатдан заифлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида китобдаги деярли афоризмга айланган сўзларни алоҳида қоғозларга ёзиб, уни шарҳлаб бериши фойдали бўлади. Масалан, «Миллий мафкура - миллатни бирлаштирувчи байроқдир», «Энг даҳшатлиси, фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги», «Мафкурасиз одам, жамият ўз йўлини йўқотади», «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир», «Мафкура ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир» ва ҳ.к.

Ўқитувчи шунга ўқувчиларнинг диққат-эътиборини қаратиши лозимки, биринчидан, биз ўтиш даврини бошдан кечираётган йилларнинг бутун моҳиятини чуқур ўрганиш ва бу даврни қисқартиришнинг йўл-йўриқларини билишни ҳамда бу йўлда ҳар бир кишининг ўз улушини қўшиши лозимлиги, иккинчидан, ҳозирги вақтда юксак даражада ривожланган ахборот технологияси воситаси турли қарашлар, мафкуралар таъсирига берилишининг сабаблари мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларга салбий таъсир этиши мумкинлигини таъкидлаб, мамлакатимиз ёшлари собит эътиқодга, мустаҳкам иродага эга бўлиб, миллий қадриятларга ҳурмат билан қарашлари зарурлигини уқтириши лозим. Чунки давримизнинг мураккаблиги боис, жамиятимизга ёт бўлган турли қарашларнинг мамлакатимизга кириб келиш ҳоллари учрамоқда. Мафкураси бўшроқ, онг даражаси ҳали юксалмаган баъзи ёшлар турли хил найрангларнинг тузоғига илиниб, баъзан тўғри йўлдан ҳам адашиб қолишяпти. Масалан, ваҳҳобийлар мафкурасининг юртимизга кўп фожиалар олиб келганлигининг гувоҳи бўлдик. Шу муносабат билан ёшларнинг онгини эгаллашга қаратилган ҳар қандай ёт ҳолатга қарши фақат мафкуравий курош олиб боришимиз, ёшларнинг онгини тўғри йўлга солишимиз зарур.

Асарда таъкидланганидек, ғояни, фикрни ҳеч қандай маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди, яъни «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» (10-бет). Демак, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳозирдан мустақил фикрлайдиган, маърифатли инсонлар бўлишлари зарурлигига эътиборни қаратади. Бу борада мамлакатимизда мустақиллик йилларида кишиларнинг билимини, илмини, маданиятини оширишга қаратилган ишларни, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва уларнинг бажарилиши ҳақида ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни, амалга оширишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-сонли (1998 й. 24 февраль), «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли (1998 й. 13 май) ва бошқа бир қатор қарорлари ва уларнинг бажарилиши ҳақида маълумотларни ҳам берса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тайёрланган »Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ритуаллари тизими»ни чуқур ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Юртбошимиз мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмаслиги, уни шакллантириб бориш борасида қуйидаги тамойилларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди: 1) мафкурани шакллантиришда мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бугунги тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиши лозим; 2) миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш.

Муаллифнинг миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва у қандай талабларга жавоб бериши ҳақидаги фикрларини ўқитувчи содда ва тушунарли баён этиши керак. Ўқитувчи бу ерда Ватанимиз тарихидаги буюк алломалар ҳаётидан, шунингдек, «ҳадис»лардан ватанпарварлик, имон, эътиқод, ахлоқий поклик ва мафкурани шакллантиришда муҳим бўлган бир қатор мисолларни келтиради.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

2. Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя - мафкура булиши керак.

3. Миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш қайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

4. Миллий ғоя, биринчи навбатда, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор булиши зарур.

5. Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя булиши керак. Албатта, ҳар қандай ғояга ҳам одамлар эргашавермайди. Шу сабабли моддий таъминланган, инсон тақдирига дахлдор ғояларгина халқ орасига тез сингиб кетишини унутмаслигимиз лозим. Демак, бунинг учун биз мустақиллик даврида эришган ютуқларимизни тушунтира билишимиз, ўзимизнинг идеалларимизни яратишимиз керак булади. Токи болаларимиз шунга интилиб яшайдиган бўлсинлар.

6. Ўқитувчи мазкур мавзуни ўрганишда ўқувчиларни баҳсга, мунозарага чорлаб, улар томонидан билдирилган мустақил фикрлар юзасидан якуний хулосалар чиқариб, машғулотни тугатиши лозим.

2-мавзу: МИЛЛАТНИНГ, ХАЛҚНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР

Ушбу мавзу давримизнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланган таълим-тарбия ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги Президент И.А.Каримовнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишдан бошланади: «... таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди.. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди» (17-бет). Ушбу фикрларни етказишда ўқитувчи собиқ тузумнинг қолдирган «ғоявий, тарбиявий» оқибатлари, уни ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида тўсиқ бўлишини муаллифнинг хизмат тақозоси билан ортирган амалий тажрибалари мисолида тушунтиради. Яъни, таълим-тарбия соҳасидаги собиқ тузумнинг номақбул томони ўқув жараёнида ўқувчини мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаганлиги, асосий эътибор собиқ совет тузумининг ғояларини тарғиб қилишга қаратилганлиги, рақобатга бардош бера оладиган юқори малакали кадрлар ўрнига сифатсиз мутахассислар кўплаб тайёрланганлиги тушунтирилади, яъни рақобатнинг ўзи бўлмаган жамиятда кадрлар фақат давлат ташкилотлари ва корхоналари учун тайёрланганди, ўз навбатида кўпчилик олий ёки ўрта махсус маълумотни тасдиқловчи диплом олиш илинжида ўқув юртларига кирганликлари тушунтирилади. Натижада минглаб савияси саёз, мустақил фикрлай олмайдиган кадрлар тайёрланган, бу эса мустақиллик шароитида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Ўқитувчи республика давлат мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш соҳаларида катта ўзгаришлар амалга ошира бошлаганини таъкидлайди. Бусиз жамиятда бирор бир соҳани ўзгартириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги юртбошимизнинг асарлари ва нутқларидан мисоллар келтириб, ушбу соҳа юзасидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ва уларнинг моҳиятини тушунтириши лозим. Айниқса, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли кучлар академиялари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари университетлари каби мутлақо янги йўналишдаги ҳамда вилоятларда бир қанча янги олий ўқув юртларига ўтилиши, ўқув юртларига қабул қилишнинг янги тест тизими ташкил этилиши, ёшларимизнинг ривожланган хорижий мамлакатларда ўқишга бораётганликларини мисол қилиб келтириш керак.

Маълумки, 1997 йил 29 августда Узбекистон Олий Мажлисининг 9-сессияси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва »Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилди. Бу тўғрида муаллифнинг қуйидаги фикрларини уқиб олиш муҳимдир: «... биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-баҳадам, изчиллик билан амалга оширишга бел боғладик» (20-бет).

Миллий дастурда белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилгандаги истиқболни муаллиф қуйидагича белгилаб беради:

1. Ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

2. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади, ёш йигит-қизларнинг беқарор ва салбий таъсирларга берилишининг олди олинади, улар, албатта, бирор ихтисосга эга бўлиб ҳаётга йўлланма оладилар, Ватанидан рози бўлиб яшайдилар ва умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул булади.

3. Жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади.

4. Жамиятимизнинг потенциал кучларини руёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади.

5. Фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни тезлашади.

Бу борада муаллифнинг қуйидаги фикрлари моҳиятини очиб бериш зарур: «Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига утади» (22-бет).

Ўқитувчи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳиятини, мазмунини тўла очиб бериш учун дастурнинг боблари бўйича қисқа, лекин аниқ маълумотларни таъкидлаб, ўқувчиларга етказиши лозим. Шу билан биргаликда миллий дастурнинг жорий этилиши борасидаги маълумотларни берса, мақсадга мувофиқ булади. Билимларни эгаллашнинг аҳамияти тўғрисида муаллиф «... кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч - билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади» дейди. Демак, ўқитувчи ҳозирги замон цивилизациясининг асослари фан-техника тараққиёти билан бевосита боғлиқлигини тушунтириб, мустақиллик шароитида ёшларнинг билим олишлари учун ниҳоятда кенг имкониятлар берилганлигини, ўқувчилар ва талабаларга дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларига бориб билим олиш ва тажриба ўрганишлари учун шароитлар яратилганлиги, бу борада «Умид», «Улуғбек» каби жамғармалар ташкил этилганлигини эслатиши мумкин.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, фақат мавжуд интеллектуал имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарур. Тарихимиздан маълумки, IX-XV асрларда халқимиз жаҳон тараққиётига буюк ҳисса қўшган улкан алломалар, қомусий мутафаккирларни етказиб берди, навбатдаги вазифа XXI асрда биз миллатимиз ва халқимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайта қўлга киритишимиз лозим.

Муаллиф раҳбар сифатида ўз фаолиятининг энг устувор йўналишини халқнинг омонлиги, эл-юртнинг тинчлиги деб ҳисоблайди. Маълумки, муқаддас Каъбани зиёрат қилганларида ҳам яратгандан «Халқимнинг омонлигини бер» деб ниятқилганларининг гувоҳимиз. Мана шу фикрларнинг мағзини чақиб, ўқувчиларга етказиш учун мамлакатимизда сиёсий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар билан бир қаторда Узбекистон Республикасининг минтақа ва дунёда тинчликни сақлаш учун қилаётган саъй-ҳаракатларини мисоллар ёрдамида тушунтириш лозим. Ҳақиқатан ҳам Узбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, ҳар хил сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари тўқнашиб турадиган ерда жойлашган. «Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад ва қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас» деб таъкидлайди муаллиф. Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан савдо ва карвон йўллари кесишган. Иккинчидан эса, унинг жуғрофий-сиёсий тизимлардаги роли бошқа давлатларни бефарқ қолдирмайди. У узининг жуғрофий-стратегик мавқеига кўра, минтақадаги муҳим иқтисодий-стратегик масалаларни, сиёсий мувозанатни, барқарорликни таъминлашда алоҳида имкониятларга эга. Албатта, Узбекистон ҳудудидаги табиий хом ашё ресурслари, республика узининг маънавий, маданий қудрати билан Марказий Осиё минтақасида боғловчи ролни уйнайди.

Шу билан бирга минтақада булаётган нотинчлик, Афғонистонда узоқ йиллардан бери булаётган уруш, Тожикистондаги сиёсий беқарорлик, шунингдек, юзага келган вазиятдан фойдаланишга уринаётган ташқи кучларнинг аралашувлари, наркобизнес, этник жанжаллар, диний фундаментализм тахдиди каби мураккаб, бефарқ қараб бўлмайдиган вазиятда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий принципларини амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни юртбошимизнинг бир қатор асарлари, БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида ва бошқа жойларда сўзлаган нутқлари мағзини ўқувчиларга етказиш керак.

Юртбошимиз ўз рисоласида яқиндагина қўшни давлат - Ҳиндистонда утказилган ядро синовлари, унга жавобан эса иккинчи давлат - Покистоннинг ядро синовларини утказиши минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бораётганлигини таъкидлайди. Демак, буларнинг барчаси бизни ташвишлантиради ва ўз навбатида, биз давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришни талаб қилади. Ўқитувчи шу ўринда Президент И.Каримовнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан ижодий фойдаланиб, мазкур мавзуни тўлдириши мумкин.

Муаллиф рисолани қуйидаги даъват билан тугатиб, барчамизни ҳушёрликка чақиради: «Эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш - барчамизнинг муқаддас бурчимиздир».

Дарҳақиқат, истиқлол мафкураси халқимизнинг имонли, инсофли, эътиқодли, ватанпарвар, қонунлар устуворлигида ишлаш каби хислатларини намоён қилишини ўз олдига вазифа қилиб қўйган экан, бу ишни изчил равишда, барча имкониятларни ишга солиб, тинимсиз давом эттиришимиз лозим.

Мойли ЛАФАСОВ,
Норқўзи ҚУВВАТОВ,
тарих фанлари номзодлари, доцентлар

ШИКОЯТ ВА ШАРҲ

(Боши 1-бетда)

Шикоят Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 56-ўрта мактабнинг 27 нафар ўқитувчилари номидан ёзилган.

***

«Маърифат» газетаси муҳарририятига илинж билан мактуб йўллаётган муаллим, камина – Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 37-ўрта мактабда ишловчи Сатимов Ҳасанбой бўламан.

Бу биргина менинг ҳасратим эмас, барча ҳамкасбларим Президентимиз чиқарган Фармондан манфаатдор бўлиб келишаётган эди. Аммо, Хоразм вилоят молия бўлими «ташаббуси» билан шу йил 12 июнда 12-11-150 сонли қарор чиқарилибди. Унда воҳадаги бутун қишлоқ ўқитувчиларининг газ ва электр ҳақини тўлиқ тўлашлари кўрсатилган.

Ҳурматли муҳарририят, ахир бу Президентимиз Фармонига мутлақо зид-ку?! Ўқитувчиларнинг норозилик ва эътирозлари инобатга олинмаяпти. Тўлов қобилияти бўлмаган кишиларнинг газ тармоқлари узиб қўйилаётир. Арзимизни кимга айтайлик?

Имзо

* * *

Шикоятлар билан танишдингиз. Эътирозлар тўғрими? Маҳаллий ҳокимликлар Президент Фармонига мутлақо зид равишда иш тутишяптими?

Биз ушбу хатларга муносабат билдиришларини сўраб, республика Халқ таълими вазирлиги ижтимоий масалалар бошқармаси Бош мутахассиси Зулфиқор Холмирзаевга мурожаат қилдик:

- Шу хил мазмундаги хатларга «Маърифат» газетасида бир неча марта шарҳлар берганмиз. Аммо шунга қарамасдан, шикоятларнинг кети узилмаяпти. Ҳаттоки ХТВга ҳам аризалар тўхтовсиз келиб турибди. Зарурат туғилган экан, яна бир карра Президентимизнинг ушбу Фармонини эслатиб ва изоҳлаб ўтишимизга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрь «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 3-бандида - «Қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда истиқомат қилаётган мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари квартира ҳақидан ва коммунал хизмат (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин. Шаҳарларда яшовчи мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига квартира ҳақи ва коммунал хизмат ҳақининг 50 фоизи миқдорида имтиёзлар берилсин. Марказий иситиш системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган нормалар доирасида ёқилғи ҳақи берилсин:

Мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари учун биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиши белгилансин» дейилган.

Ушбу Фармоннинг 5-бандида эса - «Ўқитувчилар ва болалар уйлари тарбиячиларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, ёш авлоднинг уйғун камол топиши учун зарур шарт-шароит яратиш вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг асосий бурчи деб ҳисоблансин» деб қайд этилган.

Фақат кейинги фармонлар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинган электр энергияси учун бир ойга 110 квт.гача имтиёз белгиланган, ундан ошиғига эса амалдаги нарх бўйича тўловлар амалга оширилади.

Ушбу Фармон ҳамон ўз кучида турибди. Уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Халқ зиёлилари орасида ҳақли эътирозларни вужудга келтириш, ўз мансаб столида ўтириб, билган ишини қилиш охир-оқибатда ҳар қандай раҳбарни обрўсизлантириши аниқ. Улар ана шуни унутмасликлари керак !

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги вақтинча

НИЗОМ

Республикамизда таълим-тарбия ишини ташкил этиш тубдан ўзгараётган, унинг якуний натижасида ўз ватанига содиқ, фидоий ва шу баробарида етук мутахассис назарда тутилаётган бир паллада бу жараён билан боғлиқ барча жиҳатларни ушбу мазмунга мослаштириш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорида асосий масала сифатида таъкидланган ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиш ҳам шу ишлар сирасига киради.

Қуйида «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги вақтинча Низом (Муаллифлар: педагогика фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Жўраев, физика-математика фанлари номзоди А.Х. Абдуллаев, техника фанлари номзоди З.М.Сатторов, С.О.Бобожонов) ҳукмингизга ҳавола этилаяпти. Бу тизим мамлакатимизнинг бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида синовдан ўтган рейтинг тизими ҳамда хорижий давлатлар ўқув юртларида қўлланиб келинаётган баҳолашнинг ушбу тизимлари чуқур ўрганилиб, таҳлил этилиб, уларнинг ижобий жиҳатлари ҳисобга олиниб тузилди.

Албатта биз уни барча камчиликлардан ҳоли, тугал бир вариант дейишдан йироқмиз. Бу борада қўйилаётган илк қадамлар бизнинг бундай хулоса чиқаришимизга асос бўла олади. Шу боис жойлардаги тажрибали мутахассислар, амалиётчилар вақтинчалик Низом хусусида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашишади, деган умиддамиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6. факс - 139-43-86, телефон 139-10-22, 139-16-21.

МУҚАДДИМА

Мустақил Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаётнинг барча жабҳаларида демократик тамойилларга асосланган ҳолда ислоҳотларни изчил давом эттирмоқда.

Республикамиз келажаги — ёшларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида биринчилардан бўлиб тест синовларининг, ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг услубининг қўлланилиши, жаҳон андозаларига мос келадиган янги педагогик технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва кўпгина ўқув юртларида синовдан ўтказилиши ўз маҳсулини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларининг қабул қилиниши таълим борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни амалга оширишга ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорининг 7-бандида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқиш ҳамда жойларда жорий қилиш таъкидланган эди. Баҳолашни бундай ташкил этишдан мақсад ўқувчилар билимини ҳаққоний баҳолаш, уларда билим ва касбий кўникмалар олишга рағбатни кучайтириш, ўзаро беллашиш муҳитини шакллантиришдан иборат.

I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилинган 204-сонли «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига асосан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низоми барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида жорий қилинади.

Рейтинг тизими ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, уни барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида бажариш мажбурийдир.

Қуйидаги мақсадлар учун ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилишининг рейтинг тизими киритилади:

— рейтинг тизими, ўқувчилар билим кўрсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш, ўқувчини ўқишга ва фойдали меҳнатга бўлган муносабатини холис, комплекс баҳолаб беради;

— рейтинг — ўқувчи шахсининг сифат кўрсаткичини аниқлайдиган сонли кўрсаткичдир;

— ўқувчиларни доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни таққослаб бориш;

— ўқувчиларда ўқишга интилишга ва ўзаро беллашишга имкониятни шакллантириш, уларни шу руҳда тарбиялаш;

— ўқув юртларида ишлаб чиқариш таълими усталарининг, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш;

— ўқувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;

— ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш интизомини яхшилаш ва уларнинг фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш;

—ўқувчи ва ўқитувчининг ўз фаолиятини олдиндан режалаштириш, ўқув жараёни боришини тезкор таҳлил қилиш, ўз фаолиятида зарурий ўзгартиришлар киритиш имкониятини яратиш учун.

Рейтинг тизими юқорида санаб ўтилган барча мақсадларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ўқувчиларнинг билим сифатини ҳаққоний баҳолаш, улар билимини ўзаро таққослаш орқали ўқув жараёнида мусобақа, яъни беллашиш муҳитини яратади.

II. ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

Рейтинг тизимида ўқувчилар билими доимий равишда назорат қилиб ва баҳолаб борилади. Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида ўқувчи тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 бални ташкил этади.

2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

— Жорий назорат (ЖН) бўйича 60%, яъни 60 балл;

— Оралиқ назорат (ОН) бўйича 20%, яъни 20 балл;

— Якуний назорат (ЯН) бўйича 20%, яъни 20 балл.

Бу баллар баҳо ва фоиз жиҳатидан қуйидагича тақсимланади:

max балл	Баҳолар, фоизлар, баллар			
	қониқарсиз	ўрта	яхши	аъло
	54,9%	55%-69,9%	70%-84,9%	85%-100 %
100	0-54,9	55-69,9	70-84,9	85-100

3.**Жорий назорат (ЖН)** – сўров, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойиҳалари, уй вазифаси ва ҳоказо, яъни сиз ўз амалиётингизда қўллайдиган барча сўров турларини ўз ичига олади. Жорий назорат (ЖН)да ўтказиладиган сўров турларини қуйидаги қисқартирилган кодлар билан белгилаш тавсия этилади: Тест сўровлари (Т), оғзаки сўров (О), лаборатория иши (Л), масала ечиш (М), уй вазифаси (У), курс лойиҳаси (Кл), ёзма иш (Ё), карточка сўрови (Кс), техникавий диктант (Тд), амалий иш (А), муаммолар қўйиш (Мқ), ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қизиқишини уйғотиш учун, ўтказилган назорат натижасини дарс мобайнида, бевосита ўқувчилар иштирокида кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш яхши натижа беради.

4. Баъзи сўров турларининг хусусиятларига, уларни ўтказиш имкониятларига қараб ва барча ўқувчиларни шу сўров тури бўйича бир машғулотда назорат қилиш имконияти йўқлигини эътиборга олиб, режада шу сўров турларини иккинчи машғулотдан бошлаб охирги машғулотгача ўтказиш режалаштирилиши мақсадга мувофиқдир (масалан: оғзаки сўров, масала ечиш, курс лойиҳасининг ҳимояси ва ҳ.к.).

5. Курс лойиҳаларига максимал балнинг 20-40% ни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанидан курс лойиҳасини фоизлаш жараёнида ҳар бир қисм учун шу максимал 20-40 балдан келиб чиққан ҳолда балларни тақсимлайди.

6. **Оралиқ назорат (ОН)** – семестр давомида 2-4 марта ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу назорат фаннинг маълум бир бўлими якунлангандан кейин, асосан тест асосида семестр ўртасида ва охирги ҳафталарида ўтказилади.

7. **Якуний назоратга (ЯН)** – максимал балнинг 20%, яъни 20 балл ажратилган. Бу назорат семестр якунида тест асосида ўтказилади. Якуний назорат (ЯН) семестр давомида ўтилган барча боб ва мавзуларга таллуқли асосий саволларни қамраб олиши керак. Якуний назоратга (ЯН) жорий ва оралиқ назоратларда йиғилган умумий бали максимал балнинг 60% дан кам бўлган ва рейтинг балини яхшилашни хоҳлаган ўқувчилар киритилади. Рейтинг бали жорий ва оралиқ назоратларда йиғилган умумий бали максимал балнинг 60% дан кўп бўлган ўқувчилар якуний назорат топширишни истамаган ҳолда, рейтинг дафтарчасига улар жамлаган балл қўйилади. Якуний назоратга ажратилган бални ўқувчи токи шу назоратни топширмагунча автоматик равишда қўшиб қўйишга рухсат берилмайди.

8. Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти учун ҳам максимал балл 100 балл бўлиб, рейтинг тизими уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқоридаги намунадагидек лойиҳалаштирилади.

9. Диплом ишлари ва лойиҳалари, давлат имтиҳонлари учун ҳам максимал балл 100 балл деб белгиланади.

Диплом ишлари ва лойиҳалари учун ажратилган максимал 100 бал қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқдир:

— диплом иши ёки лойиҳаси раҳбарига – 30%, яъни 30 балл;

— рецензентга – 20 %, яъни 20 балл;

— давлат малака комиссиясига – 50%, яъни 50 балл.

Диплом ҳимоясида малака комиссиясига ажратилган максимал 50 балнинг 60% ни олган ўқувчигина ҳимоя қилган ҳисобланади.

III. РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Ўқув режаси ва фан дастурига асосан тузилган тақвим – мавзуий режа бўйича, ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир ўқувчини семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиқиб, назорат ва сўров турлари аниқлаб чиқилади ва маълум бир фан бўйича рейтинг балларининг тақсимланиш жадвални (1-жадвал физика фани мисолида келтирилади) тузилади.

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича директор
муовини «__»_____1998й.

Физика фанлари бўйича рейтинг балларининг тақсимланиши

1-жадвал

Назорат ва сўров турлари	Сўров коллари	Сўровларнинг муҳимлиги даражаси	Семестр давомида ўтказиладиган сўровлар сони	Ҳар бир сўровга ажратилган максимал балл	Сўровлар ўтказиладиган машғулотлар	Жами жамғарилган баллар
Жорий назорат	ЖН					
1.Оғзаки сўров	О	5	1	3	2-40	3
2.Тест	Т	2	2	5	18;34	10
3.Масала ечиш	М	1	2	6	5-20;22-40	12
4.Лаборатория иши	Л	3	6	4	3;8;12;23;27;36	24
5.Ёзма иш	Ё	4	2	3,5	15;30	7
6.Уй вазифаси	У	6	2	2	10;32	4
ЖАМИ			15			60
Оралиқ назорат	ОН					
Тест	Т		2	10	21;40	20
Якуний назорат	ЯН					
Тест	Т		1	20		20
ЖАМИ			18			100

Бу жадвал 7 устундан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Назорат ва сўров турлари.
2. Сўров кодлари.
3. Сўровларнинг муҳимлиги даражаси.
4. Семестр давомида ўтказиладиган сўровлар сони.
5. Ҳар бир сўровга ажратилган максимал балл.
6. Сўровлар ўтказиладиган машғулотлар тартиб рақами.
7. Ҳамма (жами жамғарилган) баллар.

Биринчи устунга назорат ва сўров турларининг номлари киритилади. Иккинчи устунга назорат ва сўровлар учун белгиланган қисқартирилган кодлар киритилади. Учинчи устунга сўровларнинг қай даражада муҳимлигига қараб муҳимлик даражаси аниқлаб киритилади. Тўртинчи устунга семестр давомида ҳар бир ўқувчини белгиланган сўров тури бўйича неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда сўровларнинг сони киритилади. Бешинчи устунга семестр давомида жами ўтказиладиган сўровлар сонидан назорат тури учун ажратилган максимал балдан ва сўровларнинг муҳитлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда бир сўров учун ажратилган максимал баллар аниқлаб киритилади. Олтинчи устунга тақвим – мавзуий режаси бўйича ҳар бир сўровнинг ўтказиладиган машғулотлар тартиб рақами аниқлаб киритилади. Еттинчи устунга ўқувчи семестр давомида ҳар бир назорат ва сўров турлари бўйича тўплаши мумкин бўлган максимал баллар аниқланиб (4 ва 5 устундаги сонлар ўзаро кўпайтирилиб) киритилади.

1-жадвал 3 нусхада тузилиб, тақвим – мавзуий режа билан биргаликда ўқув ишлари бўйича директор муовинига тасдиқлаш учун топширилади.

1-жадвалга асосланган ҳолда ҳар бир фан бўйича рейтинг балларининг тақсимланиш харитаси тузилади (2-жадвал физика фани мисолида келтирилади).

Бу харитада қуйидагилар кўрсатилади:

Физика фани бўйича рейтинг балларининг тақсимланиш харитаси
(Бу жадвал ўқитувчи, гуруҳ етакчисида сақланишини ва ҳар бир сўровдан кейин рейтинг баллар тегишли катакчага киритилиши керак)

№ Т. Р	Назорат ва сўров коди / Машғулот №	О 2-40	У 10	Л 3	М 5-20	Ё 15	Л 8	Т 18	Л 12	СН 21	Л 23	М 22-40	Л 27	Ё 30	У 32	Т 34	Л 36	СН 40	Жами жамғарилган баллар	ЯН	Ҳаммаси
	Ўқувчининг фамилияси исми шарифи / Назорат ва сўров учун ажратилган балл	3	2	4	6	3,5	4	5	4	10	4	6	4	3,5	2	5	4	10		20	100

— ўқувчининг фамилияси ва исми шарифи;

— назорат ва сўров кодлари;

— машғулот тартиб рақами;

— назорат ва сўров учун ажратилган максимал балл;

— жорий ва оралиқ назоратларда ўқувчининг жами жамғарган бали;

— якуний назоратга ажратилган балл;

— ҳамма (жами жамғарилган) баллар

2-жадвалда назорат ва сўров турлари ҳамда уларнинг ўтказиладиган машғулотлар тартиб рақами, уларга ажратилган максимал баллар аниқ кўрсатилиши керак. Бу жадвал ҳам 3 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси ўқитувчининг ўзида, иккинчи нусхаси ўқув ишлари бўйича директор муовинида ва учинчи нусхаси гуруҳ етакчисида сақланади. Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг балларининг тақсимланиш харитасини ўқувчиларнинг конспект (қоралама) дафтарига чиздириши зарур. Ўқувчилар ва гуруҳ етакчиси ҳар бир сўровдан рейтинг балларини тегишли катакчага киритади. Бу эса ўқувчиларни ўзаро беллашишга, ҳамда ҳар бир назоратга ўз вақтида тайёрланиб келишга чорлайди.

Агар ўқувчи баъзи бир сабабларга кўра, назоратни топширмаса, у ҳолда унинг сабаблари аниқланиб қайта топширишга рухсат берилади. Қайта топширганда назоратни сабабли қолдирган бўлса, максимал балл 0,9 га сабабсиз қолдирган бўлса 0,7 га кўпайтирилади.

Сўров даражаларига ажратилган максимал баллар баҳолаш тизими бўйича 3-жадвалда кўрсатилгандек тақсимланади.

Максимал балл	Қониқарсиз	Ўрта	Яхши	Аъло
	0-54%	55-69%	70-84%	85-100%
1	0-0,54	0,55-0,69	0,7-0,84	0,85-1,0
2	0-1,09	1,1-1,39	1,4-1,69	1,7-2,0
3	0-1,64	1,65-2,09	2,1-2,54	2,55-3,0
4	0-2,19	2,2-2,79	2,8-3,39	3,4-4,0
5	0-2,74	2,75-3,79	3,5-4,24	4,25-5,0
6	0-3,29	3,3-4,19	4,2-5,09	5.1-6,0
7	0-3,84	3,85-4,89	4,9-5,94	5,95-7,0
8	0-4,39	4,4-5,59	5,6-6,79	6,8-8,0
9	0-4,94	4,95-6,29	6,3-7,64	7,65-9,0
10	0-5,4	5,5-6,99	7,0-8,4	8,5-10,0
11	0-6,04	6,05-7,69	7,7-9,34	9,35-11,0
12	0-6,59	6,6-8,39	8,4-10,19	10,2-12,0
13	0-7,14	7.15-9,09	9,1-11,04	11,05-13,0
14	0-7,69	7,7-9,79	9,8-11,89	11,9-14,0
15	0-8,24	8,25-10,49	10,5-12,74	12,75-15,0
16	0-8,79	8,8-11,19	11,2-13,59	13,6-16,0
17	0-9,34	9,35-11,89	11,9-14,44	14,45-17,0
18	0-9,89	9,9-12,59	12,6-15,29	15,3-18,0
19	0-10,44	10,45-13,29	13,3-16,14	16,15-19,0
20	0-10,99	11,0-13,99	14,0-16,99	17,0-20,0

Сўров даражаларининг максимал балини белгилашда ҳисоблаш жараёнларини енгиллаштириш мақсадида иложи борича бутун сонлар қўйиш мақсадга мувофиқ.

Баллар интервалини таклиф қилишдан мақсад ўқувчиларнинг билимларини аниқ ва реал баҳолаш, ҳамда ўқувчилар ўртасида ҳар бир улуш балл учун курашиш муҳитини яратишдир. Баллар интервалидан фойдаланиш гуруҳда, курсда, коллежда, ҳамда Республикадаги лицей ва коллежлараро энг яхши ўқувчиларни ҳеч қандай қўшимча коэффицентларсиз аниқлаб беради.

IV. РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ТЎПЛАГАН БАЛИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УЛАРНИ ЎЗАРО ТАҚҚОСЛАШ

Ўқув жараёни режаси бўйича ўқувчиларга 3 курс давомида ҳаммаси бўлиб 33 фанга 4560 соат ажратилган. Шундан умумтаълим циклига 14 та фанга 1712 соат, умумкасбий цикл 9 та фанга 356 соат, махсус циклга 10 та фанга 2412 соатни ташкил қилади.

Рейтинг тизимини лойиҳалаштириш ва баҳолаш мезонини енгиллаштириш мақсадида барча фанлар учун 100 баллик тизим белгиланган эди. Лекин энг яхши ўқувчини аниқлаш ва ўқувчилар билимни ўзаро таққослаш учун албатта ҳар бир фанга ўқув жараёни режасида ажратилган соатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўқувчиларнинг ҳар бир фан бўйича тўплаган бошланғич максимал бали қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_б = P_{жн} + P_{он} + P_{ян} = 60+20+20=100 \quad \text{(1-формула)}$$

Бу ерда: $P_{жн}$ — ўқувчиларнинг жорий назоратда тўплаши мумкин бўлган максимал бали, яъни 60 балл;

$P_{он}$ — ўқувчиларнинг оралиқ назоратда тўплаши мумкин бўлган максимал бали, яъни 20 балл;

$P_{ян}$ — ўқувчиларнинг якуний назоратда тўплаши мумкин бўлган максимал бали, яъни 20 балл.

Ўқувчиларнинг ҳар бир фан бўйича тўплаган бошланғич рейтинг бали қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_{ўб} = P_{ўжн} + P_{ўон} + P_{ўян} \quad \text{(2-формула)}$$

Бу ерда: $P_{ўжн}$ — ўқувчиларнинг жорий назоратда тўплаган реал бали;

$P_{ўон}$ — ўқувчиларнинг оралиқ назоратда тўплаган реал бали;

$P_{ўян}$ — ўқувчиларнинг якуний назоратда тўплаган реал бали.

2-формула ҳар бир фан бўйича ўқувчининг тўплаган реал балини аниқлашга имконият яратади. Лекин ўқув жараёни режасида ҳар бир фан учун ажратилган соатларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчининг ҳақиқий рейтинг балини аниқлаш имкониятини бермайди. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P_х = P_{ўб\,х} K_ф \quad \text{(3-формула)}$$

Бу ерда: $K_ф = C/100$ – фан коэффиценти бўлиб, ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун ажратилган соатларга боғлиқ;

С — ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун умумий ажратилган соатлар сони.

Ўқувчининг маълум фанлар бўйича тўплаган рейтинг балларини аниқлаганимиздан сўнг барча фанлар бўйича умумий рейтинг балини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$P_у = P_{х1} + P_{х2} + P_{х3} + \cdots + P_{хп} \quad \text{(4-формула)}$$

Бу ерда: п – фанлар сонини билдиради.

Масалан: 1 курс бўйича п=18 га тенг, чунки ўқув жараёни режаси бўйича ушбу курсда 18 та фан ўқитилиши мўлжалланган. Худди шундай курсларда ёки бутун 3 курс мобайнида ўтиладиган фанлар сонига қараб п ўзгариб туради. Шунга асосланиб ўқувчининг семестрда, курсда, 3 курс мобайнида тўплаган умумий рейтинг балини аниқлаш мумкин. Бу аниқланган рейтинг бали ўқув жараёни режасида ажратилган умумий соатлар сони (4560) билан мос келади. Агар диплом ҳимояси ва давлат имтиҳонларига ажратилган балларни бунга қўшсак бу балл яна озгина кўпайиши мумкин. Ўқувчининг 3 курс мобайнида тўплаган умумий балини ҳисоблашда 4-формулага албатта диплом ҳимояси ва давлат имтиҳонларига ажратилган балларни ҳам қўшиб ҳисоблаш керак.

4-формула гуруҳда энг яхши ўқувчини аниқлашга имкон беради, лекин курсда, коллежда ва коллежлараро энг яхши ўқувчини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P_н = P_{ур} / P_{ўм} \times 100 \quad \text{(5-формула)}$$

Бу ерда: $P_н$ — ўқувчининг нисбий рейтинг бали;

$P_{ур}$ — ўқувчининг фанлар бўйича тўплаган умумий реал бали;

$P_{ўм}$ — ўқувчининг фанлар бўйича тўплаши мумкин бўлган максимал бали.

5-формула ўқувчиларни ўзаро таққослаш учун тўрт, беш ва ундан ортиқ хонали сонлардан яна 100 баллик мезонга ўтишга имкон яратади. Бу баллар фоиз жиҳатидан қуйидагича тақсимланади:

— 0-54,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсатгичи 0-54,99 балгача бўлган ўқувчилар қониқарсиз;

— 55-69,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсатгичи 55-69,99 балгача бўлган ўқувчилар ўрта;

— 70-84,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсатгичи 70-84,99 балгача бўлган ўқувчилар яхши;

— 85-100%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсатгичи 85-100 балгача бўлган ўқувчилар аъло.

Бу рейтинг кўрсатгичлари ўқувчиларнинг билим сифатини 100 баллик тизим бўйича таққослаш ва уларни ўзаро беллашишга чорлаш имкониятини яратади. Чунки ўқувчилар билимини баҳолашда баллар интервалидан фойдаланилганда икки ўқувчининг рейтинг кўрсатгичи бир хил бўлиш эҳтимоли нолга яқин.

Юқорида келтирилган формулалар бўйича ҳисоб-китоб ишлари ўқув муассасаларининг методик хоналарида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бошчилигида амалга оширилади. Бу ишларни компьютерга маълум бир дастур орқали киритиб амалга ошириш ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштиради.

Рейтинг дафтарчасига ўқувчининг ҳар бир фан бўйича жамлаган максимал бали қўйилади. Шу балларга асосланган ҳолда ҳар семестрда ўқувчининг рейтинг кўрсаткичи аниқланиб, рейтинг дафтарчасида кўрсатилади ва ўқув ишлари бўйича директор муовини имзоси билан тасдиқланиб, кейинги семестрда ўқишга рухсат берилади.

(Давоми 4-бетда)

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги вақтинча НИЗОМ

(Боши 3-бетда)

Рейтинг кўрсаткичи 54,99 дан юқори бўлган ўқувчилар курсдан-курсга ўтказилади.

V.РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Ҳар бир семестр, курс якунида ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари аниқланиб, ўқув муассасасининг эълонлар тахтасида ёритилиб борилади.

№	Ўқувчилар исми	I	II	III	IV	V	VI
1	Абдуллаев А.Х.	88	89	91	85	78	98
2.	Норматов Т.Д.	77	89	86	88	79	90
3.	Сатторов З.М.	68	65	77	89	90	98
4.	Ибрагимов Т.Р.	56	65	67	77	88	89
5.	Музаффаров А.	76	77	89	87	90	92
6.	Маҳмудов Х.А.	88	87	89	77	79	89
7.	Бобожонов С.	61	67	68	78	85	86
8.	Зокирова Д.З.	71	74	78	79	85	88
9.	Тошматов Э.Д.	76	79	82	85	95	97
10.	Мусинова Т.Б.	89	90	92	89	93	97
11.	Алиев К.Д.	59	67	65	70	75	80
12.	Қаҳҳоров Л.Ж.	73	77	70	80	83	85

Ўқувчиларнинг рейтинг тизимидаги ўқув натижалари ҳар семестр якунланганидан сўнг рўйхат шаклида энг юқори рейтинг кўрсаткичидан энг паст кўрсаткичга қараб тартиблаштирилган ҳолда расмийлаштирилади.

Педагогик кенгаш, гуруҳ раҳбарлари, ўқувчилар ва ота-оналар йиғилишларида семестр якунлари таҳлил қилинади, ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини кўтариш мақсадида, ўқитувчиларнинг бу борада қиладиган ишларига тавсиялар берилади.

Семестр, курс якунига кўра, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари 2 ҳафта ичида ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсатгичларига эришган ўқувчиларни рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқаради. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ўқув муассасасининг эълонлар тахтасига илиб қўйилади:

— Семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 75 дан 85 гача бўлган ўқувчиларга ташаккурнома эълон қилинади;

— Семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 85 дан 90 гача бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан мукофотланадилар;

— Семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 90 дан юқори бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан мукофотланиш билан биргаликда ўқув муассасасининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда моддий рағбатлантирилади;

— Курс якунида рейтинг кўрсаткичи 95 дан ошган ўқувчилар маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомий ва васий ташкилотлар, вазирликлар ҳамда ўрта махсус касб=ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан рағбатлантиришга тавсия қилинади, уларнинг фото суратлари ўқув муассасаси ҳурмат тахтасига илиб қўйилади. Бундай ўқувчиларга ҳомий ва васий ташкилотлар томонидан қўшимча стипендия берилиши мақсадга мувофиқдир.

— Ҳар бир ўқув муассасаси ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги тавсия қилинган рағбатлантириш турларини маълум даражада ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Қуйида сизга ўз фанингиз бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришни енгиллаштириш мақсадида физика фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштириш намунаси келтирилади.

Ўқув режаси бўйича физика фанига 1-семестрда 85 соат ажратилган. Бу семестр 17 ҳафтадан иборат бўлиб, ҳар ҳафтага 5 соатдан тўғри келади.

Физика фани дастурига асосан тузилган тақвим-мавзуий режаси бўйича, ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олиб, ҳар бир ўқувчини семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда назорат, сўров турларини аниқлаб чиқамиз ва физика фани бўйича рейтинг балларини тақсимланиш жадвалини тузамиз.(1-жадвал)

Бу жадвал 7 устундан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Назорат ва сўров турлари.
2. Сўров кодлари.
3. Сўровларнинг муҳимлиги даражаси.
4. Семестр давомида ўтказиладиган сўровлар сони.
5. Ҳар бир сўровга ажратилган максимал бал.
6. Сўровлар ўтказиладиган машғулотлар тартиб рақами.
7. Ҳамма (жами жамғарилган) баллар.

Жорий назоратга максимал балининг 60%, яъни 60 бал ажратилганини эътиборга олиб, сўровлар йиғиндисини шундай белгилаймизки бу сон 60 га қолдиқсиз бўлинсин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жорий назоратга қуйидаги сўровларни киритамиз:

— Оғзаки сўров (О) – 1 марта;
— Тест (Т) – 2 марта;
— Масала ечиш (М) – 2 марта;
— Лаборатория иши (Л) – 6 марта (ўқув режаси ва дастури бўйича физикадан 1-семестрда 6 та лаборатория иши ўтказилиши режалаштирилган);
— Ёзма иш (Ё) – 2 марта;
— Уй вазифаси (У) – 2 марта.

Физика фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сўровларнинг муҳимлик даражасини қуйидагича белгилаймиз:

-1-даража – масала ечиш;
-2-даража – тест;
-3-даража – лаборатория иши;
-4-даража — ёзма иш;
-5-даража – оғзаки сўров;
6-даража – уй вазифаси.

Сўровларнинг муҳимлиги даражасини эътиборга олган ҳолда, ҳар бир сўровга ажратилган максимал бални аниқлаймиз.

Умумий сўровлар йиғиндиси 15 га тенг. Бу сон 60 га қолдиқсиз бўлинади (60:15=4). Демак ўртача даражадаги сўровнинг максимал бали 4 га тенг. Ўртача даражадаги сўровни аниқлаш учун даражалар сонини 2 га бўламиз (6:2=3). Бундан кўриниб турибдики, 3 даражадаги сўров, яъни лаборатория иши учун ажратилган максимал балл 4 балл экан. Шунга асосланиб қолган даражадаги сўровларнинг максимал балини аниқлаймиз.

Улар қуйидагича тақсимланади:

-1-даража – масала ечиш – 6 балл;
-2-даража – тест – 5 балл;
-3-даража -лаборатория иши – 4 балл;
-4-даража — ёзма иш – 3,5 балл;
-5-даража – оғзаки сўров – 3 балл;
-6-даража – уй вазифаси – 2 балл.

Ҳар бир сўровга ажратилган максимал бални (5-устун) семестр давомида ўтказиладиган сўровлар сонига (4-устун) кўпайтириб ўқувчининг ҳар бир сўровлар бўйича семестр якунида жамғариши мумкин бўлган максимал —балини (7-устун) аниқлаймиз. Ўқувчининг ҳар бир сўровлар бўйича семестр якунида жамғариши мумкин бўлган максимал балларининг (7-устун) йиғиндиси 60 га тенг бўлиши керак. Агар максимал балларнинг йиғиндиси 60 га тенг бўлмаса, у ҳолда сўров даражаларига ажратилган максимал балларни қайта кўриб чиқиш зарур.

1-жадвалнинг 6-устунида тақвим – мавзуий режага асосланган ҳолда ҳар сўровнинг қайси машғулотда ўтказилиши кўрсатилади. Бу эса ўқувчиларга ҳар бир сўровнинг ўтказилиш вақтини олдиндан билган ҳолда машғулотга тайёрланиб келишга имконият яратади.

Оралиқ назорат (ОН) – семестр давомида 2 марта ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу назорат фаннинг маълум бир бўлими якунлангандан кейин асосан тест асосида семестр ўртасида ва охирги ҳафталарида ўтказилади. Ҳар бир оралиқ назоратга (ОН) ажратилган максимал балл 10 балга тенг. Чунки оралиқ назоратга ажратилган максимал балл 20 бални ташкил этади.

1-жадвал 3 нусхада тузилиб, тақвим – мавзуий режа билан биргаликда ўқув ишлари бўйича директор муовинига тасдиқлаш учун топширилади.

1-жадвалга асосланган ҳолда физика фани бўйича рейтинг балларининг тақсимланиш харитаси тузилади.(2-жадвал)

ХУЛОСА

Ушбу академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 май 1998 йил 204-сонли «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандига асосан янги ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жорий қилиш учун ишлаб чиқилди. Бу Низомда келтирилган рейтинг тизими намунавий характерга эга бўлиб, ўқув муассасаси 100 баллик тизимни сақлаб қолган ҳолда, назорат турларига баллар тақсимотини ўзининг ўқув жараёни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши мумкин. Лекин бу ўзгартиришлар рейтинг тизимининг асосий мақсадлари бўлмиш ўқувчилар билим сифатини ўзаро таққослаш, улар ўртасида беллашиш муҳитини яратиш ва гуруҳда, курсда, коллежда ҳамда коллежлараро энг яхши ўқувчини аниқлаш имкониятига таъсир қилмаслиги керак.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИ ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ

1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни жамлаш умумтаълим мактабларининг 9-синфларини тугатган ёшларнинг сони ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базаси билан белгиланади. 1999 йилда 9 синфни 500 минг ўқувчи тамомлайди, 2005 йилга бориб эса уларнинг сони 100 мингтадан ортади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни жамлаш манбаси бўлган ёшларнинг сони динамик равишда ўсиб бориши зудлик билан ўқувчи ўринларини ташкил этишни талаб қилади. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрда «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги 406-сонли қарори қабул қилинди. Дастур 2005 йилгача 181 та академик лицей ва 1611 та касб-ҳунар коллежлари ташкил этишни назарда тутади. Мазкур йиллар мобайнида 129 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган академик лицейлар ташкил этилади, шулардан 96 минг ўринлиси янги қурилиш ҳисобидан, 33 минг ўринлиси фаолият кўрсатиб турган мактаблар, техникумлар ва бошқа ўқув муассасаларини реконструкция қилиш йўли билан ташкил этилади. Бундан ташқари 1 миллион ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари ташкил этилади, шундан 595 минг ўринлиси янги қурилиш ҳисобидан, 443 минг ўқувчи ўрни эса фаолият кўрсатиб турган таълим муассасаларини реконструкция қилиш йўли билан ташкил этилади. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 1,5 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим ва тарбия олади.

Янги турдаги ўқув юртларида таълим хизмати кўрсатиш даражаси уларни сифатли педагог кадрлар билан таъминлашга боғлиқдир. Шунинг учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мослашувчан тизимини ташкил қилиш, янги типдаги ўқув юртларини ташкил этиш ва уларни олдиндан педагог кадрлар билан таъминлашнинг пойдевори бўлади. Умумтаълим мактаблари, билим юртлари ва техникумларнинг фаолият кўрсатаётган ўқитувчилари уч йиллик ўқув муассасаларида фаолият кўрсатишга ҳали тайёр эмасдирлар. Уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари мутлақо янги ўқув юртлари бўлиб, уларнинг фаолияти сифат жиҳатдан янгиланган, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг кадрларга эҳтиёжини сон жиҳатдан таъминлайдиган педагог, муҳандис-педагоглар тайёрлашга бевосита боғлиқдир.

Таълим ислоҳотларининг биринчи босқичида кадрлар тайёрлашнинг вазифаларидан бири замон талабларига жавоб берадиган даражадаги педагог ва муҳандис-педагог тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан иборатдир. Ушбу вазифа академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог, муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш Дастурини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Ушбу дастур:

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун:
— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»;
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 204-қарори;
— «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури»;
— Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш методикасига мувофиқ тайёрланди.

Мазкур дастурнинг бош мақсади Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларини педагог, муҳандис-педагог кадрлар таркибини 2006 йилгача бўлган давр мобайнида такомиллаштириш ва янгилашдан иборат бўлиб, уни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни белгилайди:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог, муҳандис-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини олдиндан ва йилма-йил аниқлаб бориш.
2. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг педагог, муҳандис-педагогларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида олий ўқув юртларида режали кадрлар тайёрлаш.
3. Умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари ва техникумлардан бўшаб қолган ўқитувчилар, шунингдек фан, олий таълим ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига жалб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш.

Дастурга академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғининг ривожланиши, шунингдек уларда ўқитиш йўналишлари ўзгариши муносабати билан қўшимчалар киритилиши мумкин.

II. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ АНИҚЛАШ

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг педагог ва муҳандис педагог кадрларга бўлган эҳтиёжи 9-синфни тугатадиган ёшлар сони ва босқичма босқич ишга тушириладиган ўқувчи ўринларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари сонининг йилма-йил ортиб бориши ҳар йили тайёрланадиган педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг сонини 40 минг нафарга ошириб боришни талаб этади. Шунинг учун , эҳтиёж олий ўқув юртларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, берилган маълумотларда педагогик юкламанинг 1,5 ставкасига мўлжалланган.

Ҳисоб-китобларга биноан яқин 8 йил мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини реконструкциялаш ва қурилиши уларнинг педагог, муҳандис-педагогларга бўлган умумий эҳтиёжи 1999 йилдаги 3,2 минг педагогдан, 2006 йилда 108 мингтага етади. Кадрларга бўлган энг кўп эҳтиёж 2004-2006 йилларда бўлиб 80 минг кишидан ортади. 2000 йилда, 9-синфни тамомлайдиган ўқувчиларнинг сони 63 мингтага кескин камайиши боис академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжи пасаяди. 9 синфни тамомлайдиган ўқувчилар сонининг камайиши натижасида янги қурилган ва реконструкция қилинган янги турдаги уч йиллик ўқув юртлари ўрнини тўлдириш бор йўғи 35 фоизни ташкил этади.

Академик лицейларнинг умумтаълим фанлари ўқитувчиларига йиллар бўйича бўлган эҳтиёжи бу ўқув юртларининг ўқитувчиларга бўлган умумий эҳтиёжининг 40%ни, чуқурлаштириб ўқитиладиган ва шахсни ривожлантириш бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжи эса 60% ни ташкил этади. 2005 йилга бориб ташкил этиладиган 181 академик лицейларнинг кадрларга бўлган умумий эҳтиёжи 11 мингта педагогни ташкил қилади.

Касб-ҳунар коллежларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини учта тоифа бўйича-умумтаълим фанлари, умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчилари, ишлаб чиқариш усталари кесимида таҳлил қилиш лозим.

2005 йилга бориб ташкил этиладиган 1611 та касб-ҳунар коллежларининг педагог, муҳандис-педагогларга бўлган умумий эҳтиёжи 100 мингга яқин кишини ташкил этади. Жумладан ишлаб чиқариш усталари 38%ни, умумтаълим фан ўқитувчилари 28%ни, умумкасбий ва махсус фан ўқитувчилари эса 34%ни ташкил этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларининг малақали педагог ва муҳандис-педагогларга бўлган эҳтиёжини қоплаш манбалари янги мутахассисларни тайёрлаш ва олий педагогик ёки муҳандислик маълумотига эга кадрларни қайта тайёрлашдан иборатдир.

III. ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлашнинг энг муҳим омили Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида янги мутахассиларни тайёрлашдан иборат.

Республикада олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг икки босқичли тизими жорий этилган. Лекин кадрларни тайёрлаш тизими ва ўқишнинг мазмуни аввалгидай сақланиб қолмоқда. Педагогика институтлари ва университетларида умумтехника фанлари бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш умумтаълим мактабларининг меҳнат ўқитувчисини тайёрлаш тарзида давом этмоқда. Бу факультетларнинг битирувчилари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатишга тайёр эмаслар. Педагогика ихтисослиги бўйича олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш ҳажми эҳтиёжга тўғри келмайди. Шунинг учун педагогика институтлари, университетлар ва техника олий ўқув юртларида ўрта махсус таълим ўқув юртлари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган алоҳида факультетлар ташкил қилиш зарур.

Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини улар билан тўлароқ таъминлаш учун:

1. 1998 йилнинг охиригача олий таълим бакалавриатининг йўналиш ва мутахассисликлар Классификаторига қуйидаги йўналишларни киритиш лозим:

— машинасозлик бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— металларга ишлов бериш бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— кимё технологияси бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— энергетика бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— радиоэлектроника ва телекоммуникация бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— енгил саноат бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— озиқ-овқат саноати бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— полиграфия саноати бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— қурилиш бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— нефт ва газ саноати бўйича муҳандис-педагогик таълим;
—геология ва фойдали қазилмаларни излаб топиш бўйича муҳандис-педагогик таълим;
— қишлоқ ва ўрмон хўжалиги бўйича технолог-педагогик таълим;
— тиббий-педагогик таълим;
— ижтимоий-иқтисодий соҳа бўйича педагогик таълим;
— маданият ва санъат соҳаси бўйича педагогик таълим.

Шунингдек, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари йўналишларига мос бўлган бир қатор магистратураларни очиш керак.

2. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб университетлар, техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва маданият олий ўқув юртларига муҳандис-педагогика йўналишини киритиш лозим.

3. 6-иловага биноан кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда 2003-2004 ўқув йилигача олий ўқув юртларига абитуриентларни мақсадли қабул қилиш бўйича вазифаларни белгилаш.

4. 1998/2000 ўқув йилидан бошлаб саноат ва саноат-педагогика техникумларининг битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ҳудудий бошқармалари йўлланмалари асосида олий ўқув юртлари муҳандислик-педагогика факультетларининг 3-курсларига суҳбат йўли билан қабул қилишга рухсат бериш.

5. 1998-1999 ўқув йилининг охиригача педагогика ва муҳандислик-педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўқув режа ва дастурларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш методикасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш керак.

6. Олий ўқув юртлари муҳандислик-педагогика факультетлари талабаларининг педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётини галма-гал ўтказиш лозим.

7. Олий ўқув юртлари муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашда жаҳон стандартлари даражасида замонавий моддий-техника билан жиҳозланган ишлаб-чиқариш ва бошқа корхоналар билан амалиётни ўтказиш мақсадида шартномалар тузиш керак.

Олий ўқув юртлари жаҳон стандартлари даражасидаги техника ва жиҳозларга эга бўлган илғор технологияларни қўллаётган ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналар билан шартномалар тузишлари керак.

Умуман, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашни 10 минг кишигача етказиш зарур. Келтирилган ҳисоб-китобларда олдинги йилнинг эҳтиёжларини тўла қопланишини назарда тутиб, мутахассисларга бўлган қўшимча эҳтиёж олинган. Олий ўқув юртларининг педагогика ва муҳандислик-педагогика факультетларига абитуриентлар қабул қилишнинг камайиши, шунингдек эски турдаги ўқув юртлари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан мутахассислар жалб қилиш кўрсаткичларининг бузилиши қўшимча эҳтиёжлар кўрсаткичларига таъсир қилади ва янги мутахассислар тайёрлаш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

IV. ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ.

Педагогика ва муҳандислик соҳалари бўйича таклиф этилган миқдорда тайёрланадиган янги мута-

(Давоми 5-бетда)

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИ ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ

(Боши 4-бетда)

хассислар ҳам академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эҳтиёжини қоплашга қодир эмас. Шунинг учун, ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларини кадрлар билан таъминлашда умумтаълим мактабларининг 10-11 синфларидан бўшаб қолган, ўқитувчиларини шунингдек фаолияти тугатиладиган ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника ўқув юртлари (касб-ҳунар лицейлари, бизнес мактаблари ва ҳ.к)ўқитувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ишлаш учун жалб қилиш асосий ўринни эгаллайди. Ислоҳотларни амалга ошириш йилларида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида жами 7 мингдан ортиқ мактаб ўқитувчилари, техникумларнинг 13 минг, ҳунар билим юртларининг 20 мингдан ортиқ педагог ва муҳандис-педагог кадрлари жалб қилинади. Шунингдек, айни вақтда янги турдаги уч йиллик ўқув юртларига олий ўқув юртларининг 3 минга яқин ўқитувчилари жалб этилади. Шундай бўлса-да ушбу миқдордаги кадрлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари эҳтиёжини қопламайди, шунинг учун фан, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва маданият соҳаларидан 26 минг амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш мўлжалланмоқда. Фақат шу миқдордаги педагог ва муҳандис -педагог кадрлар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг эҳтиёжини қоплашлари мумкин. Уларни моддий рағбатлантириш йўли билан таълим соҳасига жалб қилишни ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ойлик маошининг коэффиценти бир даражага кўтарилган, шу билан биргаликда 20% қўшимча ҳақ тўлаш назарда тутилмоқда. Лекин, эски турдаги ўқув юртларидан бўшаб қоладиган ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассислардан янги турдаги ўқув юртларида фойдаланиш учун уларни қайта тайёрлаш шарт. Демак, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжининг 70 % мазкур тоифа мутахассислари ҳисобидан қопланишини ҳисобга олганда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш энг муҳим аҳамиятга эгалиги аниқдир.

2006 йилгача малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларининг фаолияти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига жалб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлашдан иборат бўлади. Педагог ва муҳандис-педагог кадрларни олдиндан қайта тайёрлаб бориш режалаштирилмоқда, яъни 1999 йилда ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун 1998-1999 ўқув йилида 1177 нафар умумтаълим фанларининг ўқитувчилари, 1678 нафар умумкасбий ва махсус фанларнинг ўқитувчилари ҳамда ишлаб-чиқариш усталари қайта тайёрланадилар, 8 йил мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари учун кадрларни қайта тайёрлаш орқали 65 минг педагог ва муҳандис-педагоглар тайёрланади. Қайта тайёргарликдан ўтган кадрларнинг умумий сонидан 7 минги умумтаълим мактабларидан бўшаб қоладиган ўқитувчилар, 13 минги техникумларнинг ўқитувчилари, 20 минги ҳунар билим юртларининг ўқитувчилари ва 26 минги иқтисодиётининг турли соҳаларидан таклиф этиладиган мутахассислардир.

Ушбу миқдордаги мутахассисларни қайта тайёрлашни Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бажариш имкониятига эга эмас.

Умумтаълим мактабларидан бўшаб қолаётган ўқитувчиларни, ўрта махсус, ўқув юртлари ва касб-ҳунар билим юртлари ўқитувчиларини, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан жалб этиладиган педагог ва муҳандис-педагогларни янги турдаги ўқув юртларида ишлашга тайёрлаш учун умуман малака оширишга бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш зарур.

Жумладан:

— 1998 йилнинг охиригача мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Концепцияси ва Низомини ишлаб чиқиш;

— 1999/2000 ўқув йилининг бошланишига қадар малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг методологик асослари ва янгиланган стандартларини ишлаб чиқиш;

— педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш муддатларини қисқартириш;

— 1999 йилнинг 1 январига қадар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг шакл ва методларига қаратилган ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш;

— кадрларни қайта тайёрлаш бўйича вазифаларни бажариш учун университетлар, педагогика ва техника олий ўқув юртлари қошида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетларини ташкил этиб, уларни молиявий маблағ ва жиҳозлар билан таъминлаш;

— педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида педагогик диагностика ва статистикани жорий этиш;

— малака ошириш институтлари ва факультетларида педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг билими ва маҳоратини аниқлашда баҳолашнинг рейтинг тизимини киритиш;

— таълим жараёнида компьютер ва аудио-видео воситалардан тўла фойдаланиш, амалий машғулотларни олий ўқув юртлари билан биргаликда илғор таълим муассасаларида, ишлаб-чиқариш усталарининг амалиётини эса йирик ишлаб-чиқариш корхоналарида ўтказиш;

— ўқитиш жараёнида тингловчиларни ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари билан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг таянч факультетларида, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида, вилоятлардаги университетлар, техника, иқтисодиёт ва тиббиёт институтларида амалга оширилади. Ишлаб-чиқариш таълим усталарининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади: вилоятлардаги институтларда ишлаб-чиқариш таълим усталари янги педагогик технологиялар билан танишадилар, корхоналарда эса замонавий ишлаб-чиқариш технологиялари билан танишадилар. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарларининг малакасини ошириш Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўтказиш белгиланган.

Кўрсатилган тадбирлар педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларнинг бир қисмидир. Малака ошириш институтлари ва факультетларининг фаолияти 2006 йилгача кадрларни қайта тайёрлашга қаратилади. Бироқ, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатишни бошлаган педагоглар яқин беш йил давомида ҳар 3-5 йилда ўз малакаларини оширишлари лозим. Бунда қайта тайёрлаш курсларининг 65 минг тингловчиларига ўн минглаб малака оширувчи педагоглар келиб қўшилади. Бу ҳолда институтлар ва факультетларнинг имкониятлари чекланганлиги сабабли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қодир бўлмайдилар. Шунинг учун тингловчиларни сиртдан ўқитиш шаклларини ташкил этиш керак. Бу борада 1999/2000 йилгача мустақил малака ошириш, (қайта тайёрлаш) учун ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилиши керак. Мустақил малака ошириш учун ҳужжатлар тўплами ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ҳудудий бошқармалари орқали ўқув юртларига тарқатилади ва «тингловчи»ларнинг икки ҳафталик мустақил тайёргарлигидан кейин малака ошириш институти ва факультетларида тест синовлари йўли билан уларнинг билим даражаси аниқланади. Тест натижаларига биноан уларга кундузги бўлим тингловчилари каби академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берадиган белгиланган тартибдаги сертификатлар топширилади. Бундан ташқари, 2005 йилгача педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича маълумотлар банки ва масофадан ўқитиш тармоқларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ривожланган хорижий мамлакатларда уларнинг стажировкаларини ташкил этиш, ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига лекциялар учун бошқа мамлакатлардан мутахассисларни жалб қилиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Республика «Устоз» жамғармаси орқали касб-ҳунар коллежлари педагогларининг стажировкалари қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

Германияда саноат соҳаси бўйича;

Голландия ва Исроилда қишлоқ хўжалиги бўйича;

Англияда иқтисодий соҳа бўйича;

Академик лицейлар педагогларининг стажировкаси Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Германияда ўтказилади.

Халқаро шартномалар тузилишига биноан бошқа мамлакатларда ҳам стажировкалар ташкил этилади.

Шунингдек, Ўзбекистонга Исроил, Голландия, Дания, Англия ва Германиядан мутахассислар таклиф этилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш учун ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлашнинг барча манбаларидан фойдаланилади. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларига бўлган малака талаблари тўғрисидаги қоидалари» ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими янгиланмоқда. Аммо мазкур Дастур педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилишнинг барча йўлларини қамраб олди, деб бўлмайди.

Истиқболда, «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог кадрлар билан таъминлаш дастури»ни ҳаётга жорий қилиш жараёнида Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

E'tirof

АНДИЖОНЧА ТАЪЛИМ УСУЛИНИНГ ОҚЛАНИШИ

Замон мактабдан ташқари муассасаларга ҳам айрича эътибор беришни, уларни кўпайтириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ҳолбуки, ўқувчилар мактабда эгаллаган назарий билимларини касб-ҳунар марказларида, тўгаракларда амалиётга боғлайдилар, мустақил ижодий ишлашга ўрганадилар. Андижон вилоятида кўп ибратли ишлар қилиняпти, дейиш мумкин. Мисол учун, бу ерда ҳозирга келиб «Ўқувчи ёшлар ижодий маркази» 27 тага, «Ёш эколог» ва »Ёш техниклар» марказларининг сони 20 тага етади. Мавжуд 890 та турли номдаги тўгаракларга икки юз мингдан зиёд ўқувчи аъзо булишган. Марказларда болаларнинг сифатли касб-ҳунар эгаллашлари, уларнинг ижодий қобилиятларини устириш, ўз йўлларини танлаб олишлари учун имконият даражасида дурустгина шарт-шароитлар яратиляпти. Мураббийларнинг малакалари босқичма-босқич ошириляпти. Вилоятдаги 114 та тарихий ва ўлкашунослик музейи ҳам ўқувчилар иштирокида яратилган бўлиб, уларнинг ўзига хизмат қиляпти.

Ўтган ўқув йилида ташкил этилган «Санъат байрами», «Иқтидорли ўқувчилар слёти», «Баҳор ранглари» каби қатор курик-танловларда 10 мингдан зиёд ўғил-қиз қатнашди. «Сиз қонунни биласизми?» номли тадбирга эса 7,5 минг ўқувчи жалб қилинди. Бунда Марҳамат туманининг «Адолат» гуруҳи вилоятда биринчи, республикада фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Олиб борилаётган кенг режадаги ишлар аста-секин ўзининг натижасини кўрсатаяпти. Республика миқёсида ўтказилган «Иқтидорли болалар» слётида ҳам Андижондан 18 нафар ўқувчи қатнашган эди. Улардан 13 киши вилоятда Халқ таълими вазирлигининг мукофотларини олиб қайтдилар. «Тоғ туризми» мусобақасида Андижон тумани вакиллари фахрли учинчи ўринни, «Ёш автоназоратчилар» баҳсларида Жалолқудуқ тумани ўғил-қизлари биринчи ўринни олдилар. Бу каби далиллар таълим тизимида Андижонча усулнинг узини оқлаётганини англатади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

СИНОВ ҲАМКОРЛИКДА ЎТАДИ

Яқинда Акмал Икромов туманидаги 129-ўрта мактабда «Она тили фанидан тажриба -синов майдончаси»ни ташкил этишга бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мактабда 6-синф ўқувчилари учун «Она тили» дарслиги синовдан ўтказиладиган бўлди. Маросимда дарслик муаллифларидан М. Абдураимова, Тошкент шаҳар ўқитувчилар МОИ она тили фани услубчиси Ф. Муҳамедова, туман ХТБ мудири Ш. Икромовлар қатнашишиб, янги дарсликнинг аввалгисидан афзаллик тарафлари ҳақида фикр юритишди.

Дастур муаллифлари ҳар чорак охирида мактабга келиб синов ўтказилаётган синфларда дарсларни кузатадилар, ўқувчилардан тест синовлари ўтказадилар.

Шунингдек янги дастур асосида ишлаётган ўқитувчилар: М. Мажидова, М. Саидова, М. Қаюмоваларга услубий ёрдам беришга ҳам келишиб олишди.

Р. БЎРОНОВ.
Суратларда: Тажриба – синов майдончасидан лавҳалар.
Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ШОИР ДЕМОҚЧИ ЭКАНКИ...

«Ёзувчи» газетасидаги «Рауф Парфи нима демоқчи?» мақоласини ўқидигу, шоир билан учрашув ўтказишни кўнглимизга тугиб қўйдик. Ахир, пойтахтда яшасак, адабиёт дастурида Рауф Парфи ижодини ўрганиш режалаштирилган бўлса, шоир билан ўқувчилар юзма-юз учрашса, шоир нима демоқчилигини тинглашса, бунга имконият етарли-ку! Орзуимиз ушалди. Шоир Рауф Парфи ва «Жаҳон адабиёти» журнали Шарқ адабиёти бўлими мудири, таржимон Амир Файзулло ўқувчиларимиз меҳмони бўлишди. Гўзал шеърлар ўқилди, мушоирани шоир давом эттирди, дилдан суҳбатлашишди. Натижада ўқувчиларимиз ва биз ўқитувчилар ҳам амин бўлдикки, Рауф Парфи ниҳоятда камсуқум, содда, самимий, аммо шеърлари турфа рангларга, пур маънога эга экан.

Ўйлаймизки, шоир билан учрашув мурғак қалбларга эзгулик олиб киради, унинг дастхати битилган кундалик дафтарларга аъло баҳолар тушади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР ТАШРИФИ

Нурота туманидаги Шароф Рашидов номли 20-мактаб таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган ибратли билим масканларидан ҳисобланади. Шу боис, ушбу мактабда таҳсил олган ўқувчилар бугунги кунда турли жабҳаларда масъул вазифаларни бажариб, мамлакатимиз равнақи учун хизмат қилмоқдалар.

Яқинда мактабни бундан 20 йил муқаддам тамомлаган собиқ ўқувчилар мактабга ташриф буюриб, устозлари билан учрашдилар. Учрашув хотиралар ва куй-қўшиқ билан омухта тарзда ғоят қизиқарли кечди. Собиқ ўқувчилар устозлари Ф.Эрназаров, Ф.Умаров, М.Деҳқонов, О.Шакаров, Ҳ.Сатторов, А.Тоҳиров ва Ў.Ҳимматовларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди.

Мактабга ташриф буюрган шогирдлар номидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий шифохонаси бошлиғи, тиббиёт хизмати подполковниги Насриддин Эрназаров ва Нурота тумани марказий шифохонаси шифокори Анвар Добиловлар учрашувда сўз олиб, пухта билим берган меҳридарё устозларига, мактаб жамоасига қалб эҳтиромларини изҳор этдилар.

Икром БЎРИБОЕВ

ХАБАРЛАРИ ☎ MMM

QADRIYATLAR SARI QADAMLAR

Milliy meros va qadriyatlarimizga bo'lgan tashnalik Toshkent shahar Yunusobod tumanidagi 325-sharqshunoslik litseyi o'quvchilarini ko'hna Samarqand ziyoratiga undadi. 50 ga yaqin o'quvchilar Shohizinda, Registon va Temuriylar maqbarasi kabi muborak qadamjolarda bo'ldilar. Litsey direktori Shavkat Oripov tashabbusi bilan Imom al-Buxoriy majmuasida bo'lgan bolalar qalblarida bir olam g'urur va huzur bilan qaytdilar. O'ylaymizki, bunday tashabbuslar har bir rahbarga xos bo'lgan xususiyatga aylanib qoladi.

Sirojiddin JO'RAYEV

LITSEYDA FAN HAFTALIGI

Fan haftaliklarini o'tkazish an'anaga aylanib qolgan Chortoq shahridagi viloyat iqtidorli bolalar litseyida bu hafta Iqtisod fani haftaligi bo'ldi. O'qituvchi Ahatxon Akbarov tomonidan «O'zbekiston rivojlanish yo'lida» mavzusida tashkil qilingan ko'rgazma, «Iqtisod» lug'atlar doskasi o'quvchilarni darsdan keyingi bilimlarini mustahkamlovchi manba bo'lib xizmat qildi.

An'anaga aylangan ertalabki o'quvchilar yig'ilishida O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi sadosi ostida O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'ini haftalik davomida iqtisod fanidan «5» bahoga o'qiyotgan Elbek Haydarov ko'tardi.

Haftalik yakuniga ko'ra, o'qituvchilar jamoasi jami 42 soat iqtisod darsini kuzatib, o'tgan iqtisod fani haftaligini «yaxshi» deb baholadi va keyingi hafta Matematika fani haftaligi deb e'lon qilindi.

Mahmudjon SAYRAMOV

BERUNIYDA OBUNA QIZG'IN

Agar ta'bir joiz bo'lsa, kuz faqat hosil to'plash fasligina emas, ziyolilar uchun ma'naviy ozuqa to'plash - gazeta va jurnallarga obuna bo'lish pallasi hamdir. Darhaqiqat, o'z vaqtida obuna bo'lishning ahamiyatini yaxshi tushungan Beruniy tumani xalq ta'limi rahbariyati maktablarda, bog'chalarda va boshqa o'quv-tarbiya muassasalarida 1999 yil uchun gazeta-jurnallarga yozilishni zo'r uyushqoqlik bilan olib borishyapti.

«Obuna-99» mavsumini namunali o'tkazishda homiy tashkilotlar ham o'z hissasini qo'shmoqdalar. Masalan, tuman paxta tozalash zavodi 8-maktab uchun gazeta-jurnallarga obunani o'z hisobidan tashkil qilibdi.

G'oyib YOQUBOV

TUMANDA TA'LIM YILI

Baliqchi tumanida 1998-99 o'quv yili «Xalq ta'limi yili» deb e'lon qilindi. Bundan ko'zlangan maqsad iqtisodi baquvvat korxona va tashkilotlar, xo'jaliklar yuzini o'quv dargohlari tomon burish hamda tuman ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb muammolarni izchillik bilan hal etishdan iborat.

Tuman hokimi Odiljon Abduraimovning tashabbus va maslahati bilan qishloq jamoa xo'jaliklari har bir maktab uchun bir gektardan yer ajratib berdi. Hosil etishtirilib, topilgan mablag' ham ziyo maskanlarining ehtiyojiga sarflanadi. Zero, sohaga bugungi e'tibor erta o'z mevasini berishi muqarrardir.

Avaz HAYDAROV

MMM ☎ XABARLARI

Sport maydonchasi

ТЎПУРАРЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон еттинчи миллий чемпионат ҳам якунланди. Муваффақият қозонган жамоа ва ўйинчилар хизматларининг муносиб баҳоларини олишди. Мавсум давомида рақиблар дарвозасига 22 тадан тўп киритган «Пахтакор»чилар Игорь Шквирин ва Миржалол Қосимовлар чемпионат тўпурарлари бўлишди.

РОССИЯДА ЭСА

1998 йилги мавсумнинг «Энг яхши футболчи»си, деб Москванинг «Спартак» жамоаси ҳужумчиси Егор Титов топилди. Бу унинг миллий биринчиликда ва Европа чемпионлари лигасида кўрсатган ажойиб ўйинларга журналистлар томонидан берилган юксак баҳо бўлди.

КИЧИК ОЛИМПИАДА

Термиз шаҳрида «Алпомиш ўйинлари» 1-республика фестивали бўлиб ўтди. Икки кун давом этган спорт байрамида юртимизнинг 160 нафар алпомишлари, барчинойлари олти хил миллий спорт тури бўйича мусобақалашишди.

КЎНГИЛ ТЎЛДИ

Қозоғистонда бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича халқаро турнирда спортчиларимиз муваффақиятли қатнашишди. Вакилларимиз 2 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритишди ҳамда умумжамоа ҳисобида 3-ўринни олишди.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Профессионал бокс бўйича етти марта жаҳон чемпиони Артур Григорян ўз унвонини саккизинчи марта ҳимоя қилиш учун навбатдаги «жанг»гини Тошкентда ўтказадиган бўлди. Мухлислар келгуси йилнинг январь ойи охирларида ушбу беллашувнинг гувоҳи бўлишлари мумкин.

«Quvnoq startlar»

МАҲОРАТ ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Сал кам уттиз йилдан буён мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Қувноқ стартлар» республика телевизион мусобақалари спортни кенг оммалаштириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Мусобақа низомида таъкидланганидек, уни ўтказишдан мақсад, умумий таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида турли йўналишдаги ҳаракатли ва миллий ўйинларни, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, акробатика, миллий кураш, спорт ўйинлари, футбол техникасига оид машқларни кенг тарғиб этиш; ўқувчиларни спортга қизиқтиришда, шунингдек, уларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш ва спорт маҳоратларини оширишда амалий ёрдам бериш; республика мактаб ўқувчилари билан ҳамдўстлик давлатлари ўқувчилари ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

«Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари ўзининг жозибаси билан ўқувчиларнигина эмас, миллионлаб турли ёшдаги томошабинларни маҳлиё қилиб келаётир. Куни кеча XVI республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси старт олди. Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клубига йиғилган спорт ишқибозлари Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-мактабнинг «Ёшлик» ва Бухоро вилояти Когон туманидаги 15-мактабнинг «Орзу» командалари ўртасидаги қизғин ва муросасиз курашнинг гувоҳи бўлишди.

Ушбу мусобақанинг биринчи дастурида ҳар бир командадан 9 ўғил ва 9 қиз «Спорт тинчлик элчиси» (18 та ҳарф) сўзини финиш чизиғидаги доскада ҳосил қилиш бўйича беллашишди. Бу мусобақани ҳар томонлама пухта ва чаққонлик билан бажарган «Ёшлик» командаси аъзоларига 8 балл берилди.

Дастурнинг иккинчи беллашувида ҳам чаққонлик ва спорт маҳоратини намойиш қилган избосканлик ўқувчилар 10 балл олишди. Иккита мусобақада ютқизган «Орзу» командаси аъзолари учинчи - «Жонли қўприк» мусобақасида дадил ҳаракат қилиб, 8 балл олишди. Бундан кейинги баҳсда ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Ҳакамлар йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, «Орзу» командасига 6 балл беришди. Тўрт учрашувдан кейин умумий ҳисоб 18:14 бўлди.

Шундан кейин мусобақа янада кескин тус олди. «Ёшлик» командаси «Ёш баскетболчилар» баҳсида абжирлик ва маҳоратларини кўрсатиб, 8 балл олди. Баскетбол тўпи билан ҳар икки командадан 1 тадан қизлар танловида дуранг натижа қайд этилиб, командаларга 5 тадан балл берилди. «Эпчиллар эстафетаси», «Хоккей ўйини» мусобақаларида ҳам избосканлик ўқувчилар 6 тадан балл олишди. Ўғил болалар ўртасида футбол бўйича танлов баҳсида «Орзу» командаси ғолиб чиқиб, 5 балл соҳиби бўлди.

Умумий ҳисобда (43:24) катта фарқ билан ғалаба қозонган «Ёшлик» командаси саралаш мусобақаларининг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

XVI республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасида иштирок этган мактаб жамоалари раҳбарларидан спорт омма вийлиги ҳақида қисқача сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Иброҳим НЕЪМАТОВ, Когон туманидаги 15-мактаб директори. — Мактабимизда 564 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Ўқувчиларнинг ярмидан кўпроқ қисми волейбол, баскетбол, футбол, енгил атлетика, шахмат-шашка тўгаракларига мунтазам қатнашиб келаётир.

Жисмоний тарбия ўқитувчимиз Исоқ Содиқов спорт жонкуяри. Унинг тинимсиз ҳаракатлари туфайли жамоамиз туманда 16 команда ўртасидаги беллашувда ғолиб чиқди. Вилоят биринчилиги учун баҳсларда Қорақўл ва Когон шаҳри командаларини енгиб, финалда Бухоро шаҳри, Ғиждувон ва Шофиркон командалари билан курашларда ғолиб чиқиб, вилоят чемпиони бўлди.

Баҳром ХУШМИРЗАЕВ, Избоскан туманидаги 14-мактаб директори.

— Жисмоний тарбия ва спортда ютуққа эришиш тинимсиз меҳнат қилишни, фидойиликни талаб қилади. Мактабимизнинг жонкуяр жисмоний тарбия ўқитувчиси Салоҳиддин Каримов болалар билан астойдил иш олиб борганлиги туфайли «Ёшлик» командамиз Андижон вилоятининг кучли спорт жамоалари билан учрашувларда ғолиб бўлишиб, вилоят чемпиони бўлди.

Бугун эришган ютуғимиз янада кескин бўлиши кутилаётган кейинги босқич учрашувларига янада пухта ҳозирлик кўриб келишимизга руҳий мадад бўлади.

* * *

«Қувноқ стартлар» мусобақалари болалар боғчаларида, ўқувчилар оромгоҳларида, мактабдан ташқари муассасаларда ўтказиладиган қизиқарли тадбирлардан саналади. Лекин жойлардаги халқ таълими бошқарма ва бўлимлари мусобақаларнинг I ва II босқичларини уюшқоқлик билан, байрамона ўтказишга етарли эътибор беришмайди. Кўпинча муайян туман ва шаҳарлар командалари беллашувларда фаол қатнашиб, аксарият жойлардаги мактаблар назардан четда қолиб келмоқда.

Ғ.МАННОПОВ, спорт шарҳловчиси

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

Ҳар қачонгидек ушбу сонда ҳам мамлакатимиз таълим тизимида кечаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари, бу йўлда учраётган долзарб муаммолар атрофлича ёритилган қатор мақолалар чоп этилганлиги билан эътиборингизни тортади.

Журнал «Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши» номли мақола билан очилади. Муаллиф, тарих фанлари номзоди Турсунбой Файзуллаев халқимиз эришган бу улуғ неъматнинг асл моҳиятини очиб беришга интилади. «Энг аввало шуни айтиш керакки, – деб ёзади у, – мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Истиқлол – эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ истиқбол ҳақида ўйлашдир.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англатди. Ўзини англаган одам оллоҳни таний бошлайди. У ўзининг шунчаки тириклик белгиси эмас, балки табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода қадр-қимматини ҳам теранроқ англайди. Маърифатсизлик хурофот ва жаҳолат эканлигига амин бўлади. Демак, ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади.

Шу ўринда Республикамиз раҳбарияти, шахсан Президентимизнинг маънавият масалаларига беқиёс эътибор бераётганлиги, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни очиқда танқид қилиб, айрим раҳбар ходимлар ҳаёти ва иш услубида учраб турган иллатларни кескин қоралашлари айни муддао эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки бу халқимизнинг истиқлол ғояларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

«Бола – бошдан» деган мақол бежиз айтилмаган. Инсон яхши тарбия топиши учун, аввало, оилада соғ-лом муҳит бўлиши лозим. Педагогика фанлари доктори, Ҳамидулла Йўлдошевнинг «Таълим тарбияда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» мақоласида бунга алоҳида урғу берилган. Шу ўринда муаллиф фарзанд камолотида ота-она зиммасига тушадиган вазифаларни бирма-бир санаб ўтаркан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

– фарзандларида миллий руҳ, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;

– болаларда мустақил фикрлаш, ўз дунёқарашига эга бўлиш билан бир қаторда, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳини тарбиялаш;

– фарзандларга мактаб, маҳалла ва жамоатчилик олдидаги вазифалари, ҳатти-ҳаракатлари учун қонуний жавобгар эканликларини англатиш ва ҳоказо.

Педагогика фанлари номзодлари Улфат Маҳкамов ва Насиба Тўлагановаларнинг «Ўқувчиларда ахлоқий маданиятни шакллантиришда синф раҳбари» мақоласи ҳам ўз мазмун-моҳияти билан юқорида эслаб ўтилган тадқиқотни давом эттиради.

Шунингдек, журнал саҳифаларида Қ. Шоназаровнинг «Тарих дарсларида муаммоли таълим ва муаммоли вазият», Н. Ортиқовнинг «Нақшбандия – ўн икки тариқатнинг бири», Н. Раҳимованинг «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий географиясини ўқитиш», М. Зиёхўжаев, А. Пўлатовларнинг «Талабалар билим даражаларини прогноз қилишда Монте Карло методи», Т. Азларовнинг «Информатика таълимининг таянч мазмуни», Ш. Шариповнинг «Ихтирочилик масалаларининг қўйилиши ва уларни ечиш услублари», О. Аваз-боевнинг «Меҳнат ва касб-ҳунар таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш», А. Ҳайитовнинг «Табиат» курсида геоэкологик билимлар» каби ўнлаб қизиқарли, долзарб мақолалар билан танишишингиз мумкин.

А. ХЎЖАМОВ

Xullas...

ЯПОН ЭРКАКЛАРИ ПАРДОЗХОНАДА

Японияда ёш эркаклар гўзаллик салонларига катта даромад келтиришмоқда. Айни пайтда бу мамлакатда нашр этиладиган «Модалар журнали» учун мутлақо янги ғояларни бераяпти.

«Энг муҳими, сочни дид билан тартибга келтириш, - дейди журнал муҳаррири Юкио Мива. - Иккинчидан, қошларни тердириш муҳим. Учинчидан, терингиз силлиқ ва тоза бўлсин».

Журналда эълон қилинаётган мақолаларнинг таъсири шекилли, эркаклар салонида навбат кутувчилар сон-саноқсиз. Улар пардоз-андоз бобида аёллардан ўзиб кетишди.

Токио дорихоналаридаги косметикага доир пардоз-андозликларнинг ҳам бозори чаққон: қош териш ва бўяш наборлари, тер ҳидини йўқотувчи дезодорант, ҳар хил тошмаларга қарши воситалар...

Нима ҳам дердик, ахир улар японлар-да!

ЗОРА ШИФО БЎЛСА...

Саратон (рак) касаллигини даволаб бўлмайди, деган фикрга британиялик шифокорлар нуқта қўйишмоқчи. Улар ана шу мақсадда қандайдир пистолет ихтиро қилишди. У оддий пистолетлардан фарқ қилиб, даволаш хусусиятига эга экан.

«Ген» ташувчи пистолет» деб ном олган бу мосламадан рак билан оғриган бемор хужайраларга ген дорилари отилар экан. У танага гелий ёрдамида отилгач, касал хужайраларни зудлик билан қоплаб олиб, уларни касаликка қарши курашга отлантиради. Соғлом малекулалар тананинг касалланган қисмида фаолиятни қайтадан тиклайди. Шифокорлар геннинг соғлом малекулалари етиб борган жойда касаллик билан курашиш қобилияти қайтадан тикланишига умид қилишяпти.

Пистолет рақдан азоб чекаётган беморларга зора шифо бўлса. Буни вақт ҳукмига қўйиб бериш керак.

ТЕЗКОР УСУЛ ҒОЛИБ

Компьютер янгилик бўлмай қолди. У кириб бормаган соҳа йўқ. Бу мўъжаз техника ёрдамида ким неча хил операциялар амалга оширилмаяпти дейсиз?

Аммо лекин... «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, компьютернинг ҳам «но» томони бор. Инсон компьютер қаршисига утирар экан, миясининг ва қўли орқали барча жараёнларни унга юклайди. Натижа эса маълум: ялқовлик авж олади.

Энг катта ва тез ишлайдиган компьютер нусхаси «Янус» деб аталади. Бу электрон ҳисоблаш машинаси бир вақтнинг ўзида «Пентиум» типидаги 9216та майда-майда жараёнларни амалга оширишга қодир.

Компьютер ва инсонни тарозининг икки палласига қўйсак, албатта ялқовликдан кўра ишнинг тезкор усули ғолиб чиқса керак. Бинобарин, мўъжизакор техниканинг аҳамияти йўқолмаслиги аниқ.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳридаги 82-мактаб томонидан 1988 йилда Сатьевалдиева Дилорам Хотамовна номига берилган Д № 475847 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туманидаги Ж4Ж. «Фимакс» тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бир ой ичида қабул қилинади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси педагогика фанлари доктори, институт ихтисослашган илмий кенгаши аъзоси **ИСМОИЛ АЛЛАЁРОВ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинлари-

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ўрта ва олий педагогика таълими бўлими бошлиги Илгизар Маннаповага онаси **Минджаҳон Хилоятулина** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сиргали тумани халқ таълими бўлими ва 304-сон таянч мактаби педагогика жамоаси шу мактабнинг услубият бўйича директор муовини Рамазанова Рубаба Мамедсалаҳовнага укаси **Вагид НАМЕТОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қадрдон дадажонимиз Абдуҳаким ҲАЛИЛОВ ҳамда онажонимиз Малика ҲАЛИЛОВА!

Сизларни туғилган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамиша бошимиз узра бирингиз қуёш, бирингиз ой мисол чарақлаб туринг. Уйимизнинг кўрки, хонадонимиз қут-баракаси Сиз азизларимиз билан. Ҳар доим соғу саломат, биз фарзандларингизга бош-қош бўлиб юрингизлар.

Фарзандларингиз: Абдураҳим, Абдураҳмон, Абдуқаюм.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Хосият Нуруллаева!

Сиздаги инсоний ҳислатларни санаб, саноғига етолмаймиз. Ёшларнинг билмаганларини ўргатишни бурчингиз ва вазифангиз деб биласиз. Сизнинг бундай шарафли, машаққатли ишларингизда ҳамиша собитлик тилаймиз.

Қутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсин. Шижоат, фидойилик, изланувчанлик Сизнинг ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Бухоро тижорат коллежи жамоаси

ЗЎРНИНГ ЗЎРИ БЎЛСАНГИЗ...

Сиз ҳам Самарқандга борган бўлардингиз. Албатта бунинг учун «Нафис» санъат лицейи талабаси бўлишингиз ҳам керак. «Нафис»да эса «зур»лар ўқишади. Ана шу зўрлар орасидаги 100 нафар «зўр» ўқувчи Самарқандга саёҳатга боришди. Саёҳатни халқ таълими вазирлиги ҳамда Самарқанд ВХТБ ҳамкорликда уюштирди. Вазирлик автобус билан, ВХТБ эса етоқ билан таъминлади. Ўқувчилар икки кунни бекор ўтказишмади. Самарқандлик тенгқурлари билан дўстлик ўрнатишди. Имом -ал Бухорий мажмуасини ва бошқа тарихий жойларни зиерат қилишди.

Х. АБДУРАҲМОН

БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ТОШКЕНТ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИГИ ЁЗУВЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИ

- *Талабаларингиз учун ўзингиз ўқув материалларини яратишни ёқтирасизми?*
- *Маънавий эскирган дарсликлардан зерикмадингизми ва ўзингиз яхшироқ дарсликларни бунёд эта олишингизни ҳис қиласизми?*
- *Сиз дарсликларни ёзиш ва безатиш бўйича мутахассисдан ўрганиш имкониятини олишни истайсизми?*

The British Council in Tashkent is cooperating with the Ministry of Public Education on a project to train a team of textbook authors to produce entirely new English Language textbooks for Secondary Schools in Uzbekistan.

In order to help us choose the best possible textbook writing team for further we are holding a national competition which is open to all teachers of English in Uzbekistan who have at least three years' teaching experience. Previous textbook writing experience is not essential but it is important that you are creative and have a strong desire to write materials.

STAGE 1

Entrants to the competition should submit sample teaching materials, suitable for use **in a typical Secondary school in Uzbekistan at Grade 5.** These materials should consist of **a linked sequence of four lessons** and should centre on one of the following topics:

Birthdays **I am special** **Hobbies**

Entrants to the competition are free to interpret these topics in any way they wish, but they should give attention to the following:

- sequencing and grading the material over 4 lessons (4 x 40 minutes)
- careful treatment of all four language skills (listening, speaking, reading, writing)
- appropriateness of material to age and level of target learners
- incorporation of authentic text material
- careful exploitation of texts and sound treatment of grammar and vocabulary

Sample materials should be sent or brought to Martin Seviour or Lutfulla Juraev at the addresses below:

Martin Seviour
English Language Adviser
British Council
11 Kounayev Street (former Sapernaya)
Tashkent
Tel: 1206752, 1206753

Lutfulla Juraev
English Language Expert
Republican Education Centre
Dom Uchitilya
80 Uzbekistan Street, Tashkent
Tel: 457762

The closing date for entries to the competition is December 31, 1998.
Early in January all entries will be scrutinised by a panel of experts from Uzbekistan and Britain and a number of applicants will be selected for Stage 2.

STAGE 2

In mid-January all those selected at Stage 1 will be invited to the British Council in Tashkent for interview and a final selection will be made. We are looking to select a team of around ten textbook writers to undergo further training.

GOOD LUCK!

ЭЪЛОН

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИ БИТИРГАН ТАЛАБАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати университетни битириб кетган талабалар ўз дипломларини олиб кетишларини сўрайди. Диплом олувчилар ўзлари билан шахсий паспорт, ҳисоб-китоб варақаси ва мутахассисликлари бўйича ишлаётганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлишлари зарур.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58.

Навбатчилар:Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501. Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-22.30.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади